



HURRIYAT

O'zingizning tili!

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 15-sentabr, chorshanba • № 38 (688) • 1996-yil dekabrda chiqarilgan • e-mail: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

МАТБУОТИМИЗ РАВНАҚИ: КИМ ҚАНДАЙ ФИКРДА?

Соғлом ижодий рақобат журналист қаламини чарқлайди. Изланишга, кўпроқ фикрлашга, қаттиқроқ меҳнат қилишга чорлайди, ишчанликка ўргатади. «Олтин қалам», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ, энг азия» танловлари ижодкорларни шунга йўналтирмақда. Ўзига хос танловларни вилоятларда ҳам йўлга қўйиш керакки, унда одиллик ва холислик ҳакамлик қилсин.



⇒ 4-бет

ДАҲОЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Таълим-тарбия учун бир шахсни масъул қилиб қўйиш қийин. Бунга барча бирдек масъул, жавобгар, зеро таълим ва тарбиянинг ёнма-ён, кетма-кет қўлланилиши бежиз эмас. Таълим-тарбия барча замонларнинг долзарб масаласи бўлиб келган.



⇒ 6-бет

ОПЕРА – ЖОН ФИДО САНЪАТ

Опера — ўта таъсирчан, ўта жонбардор санъат. Уни қуйлаш ҳам, тинглаш ҳам оғир. Ижро этаётган кўшиқларимизнинг мусиқаси, сўзи қалбимга дафъатан шиддат билан кириб келади.



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

9 сентябрь куни пойтахтимизда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этишда Омбудсман институтининг ролига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, шунингдек, Швеция, Франция, Латвия, Польша, Болгария, Украина, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Озарбойжон каби мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари ни ҳимоя қилиш бўйича муассасалари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Вьетнам Социалистик Республикаси Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Сиёсий бюроси аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Ле Хонг Ань раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири Баҳодир Матлобов билан учрашди.

Мулоқот чоғида терроризм, айирмачилик, экстремизм, наркотрафик ва бошқа трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашишда, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Самарқанд шаҳрида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали ва музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди.



Бу ҳаёт бўстонида инсон бир марта яшайди. Берилган ана шу умр давомида унга йўлдош бўладиган гўзал тушунча бор. Бу «бахт»дир. Уни ҳар ким ўзича, ўз ўлчови билан талкин этади. Кимгадир мол-дунё ёхуд қориннинг тўқ, устининг бут бўлиши, яна кимлар учун вафоли ёрга етишиш, ували-жували бўлиш бахт ҳисобланади. Ҳаммасиям ўз ўрнида муҳим, албатта. Бироқ кимнинг тасавурида, ҳеч кимга муте бўлмай эркин яшайдан, эл-юртнинг иқболлида сенинг ҳам ўрнинг, ўз ҳиссанг борлигини ҳис этишдан, унинг самараларидан насиби баҳраманд ўтишдан устунроқ бахт, улғурроқ неъмат йўқ.

Баъзан шўро даврида кеч-қарни ёшлаган йилларимни, раҳматли отам — Фафуржон ва мунис онам — Саодатхон аянинг бола-қоғиш, рўзгор тебратиш кўйида чеккан захмат-машақатларини кўз олдимга

келтираман. Улар учун фарзандларининг усти бут, қорни тўқ бўлишидан устунроқ бахтнинг ўзи йўқ эди. Ҳозиргидек фаровонлик ва тўқин-сочинликни, ободончиликлар-у, тараққиётни, болаларимиз бахт-иқболлини улар ҳатто тушларида ҳам кўришмаган.

Баъзан ўша даврлар дехқони билан бугунги фермер-деҳқон ўртасидаги фарқи таққослаб қоламан. Шўро пайтидаги дехқон арзимас маош учун саратоннинг иссиғи-ю, қишнинг изғирини демай далада ишлар, ишлаб турганида тепасидан захарли дорилар бемалол сепилаверар эди.

ЯШАШ ВА ЯРАТИШ БАХТИ

Фаргона вилояти Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Патила ЭРГАШЕВнинг дил сўзлари

Ҳозирги дехқон-чи? Ер энди унинг ўзиники, у — мулкдор! Ўз хўжалигини ўзи бошқаради. Ҳисоб-ки-тоби ўзи чиқаради. Ихтиёрида енгил автомашина, даласида хусусий машина-механизмлар, дангиллама уйларида тўқин-сочин яшайди. Болаларининг уст-бошидан, қорнидан ташвиши йўқ. Улар учун серхашам касб-хунар коллежлари, лицейлар очиб қўйилган. Фақат яхши ўқиса бўлгани. Дала кишининг, унинг оила аъзолари саломатлигини муҳофаза қилиш учун барпо этиб қўйилган шифохоналарни қанча тарифласанг кам. Айтмоқчиманки, яхши яшаш учун имкониятлар яратиб қўйилгани, демак яхши ишлаш ҳам керак. Бунинг учун зарур даражадаги шароит ҳам, рағбат ҳам бор.

Болаликдан суягим меҳнатда қотган, дала ишларининг гаши ва самараси умрим мазмунига айланган. Менинг танлаган йўлим қадрдон, саховатли далалар томон етаклади. Иккиланмадим, енг шимариб ишга астойдил киришдим. Пахтачилик, галлачилик агротехникасини кунт билан ўзлаштирдим. Бу йўлда менга Мақсудали Ҳайдаров, Жўрақўзи Алибоев, Абдуллажон Рўзалиев сингари миришкорлар яқиндан ёрдам беришди, устозлик қилишди. Айниқса, мустақилликнинг илк

йилларида яратилган «Фаргона-3» пахта навининг даставвал бизнинг хўжалигимизда синовдан ўтказилгани ва унда бевосита ўзим ҳам иштирок этганим, синов учун экилган нав гектарига 50 центнердан зиёдроқ ҳосил бергани ҳеч эсимдан чикмайди. Ушандан кейин қалбимда фермер бўлиш иштиёқи кучайди. Ушанда 69 гектар майдонда пахтачилик ва галлачилик билан шуғуллана бошладик.

«Дехқончиликнинг ривож ва омаднинг бош омили лари нимада?» деб сўраб қолишди баъзан. Мен аввало ерни ардоқлаш ва ишнинг кўзини билиб, ҳалол меҳнат қилишда, экин парваришини юксак агротехник қоидалар асосида изчил олиб боришда, деб жавоб бераман. Ўз ўрнида уруғлик нави ҳам экиладиган ер табиатига мос тушиши шарт.

Мана, неча йилдирки, пахта ва галла етиштириш бўйича олаётган мажбурийларимизни ортиги билан бажариб келаяпмиз. Жорий йилнинг ўзида галладан ҳар доимгидек баракали хирмон кўтардик. Давлатга топширганимиздан ташқари, фермер хўжалигимиз аъзоларига 40 тоннадан зиёд бугдой тақсимлаб бердик. Пахта сотиш бўйича белгиланган режамиз эса ҳар гектар майдондан 45 центнердан зиёдроқ «оқ олтин» етиштиришдан

иборат. Шу кунларда теримга киришдик. Далаларимизда бодрокдек очилаётган пахтаимизга боқиб, кўз қувонади. Эришаётган ютуқларимизда биргина менинг эмас, балки омилкор ишчиларимиз Дилором Умарова, Ерқиной Ҳасанова, Матлуба Мусаенова, сувчиларимиз Қодирали Фафуров ҳамда Юсуфжон Отахоновларнинг ва механизаторимиз Абдуллатиф Азимовнинг алоҳида хизматлари бор.

Бувайдаликлар лафзи ҳалол, соддадил, мўъжизалар ярата оладиган кишилардир. Аввало ишни пухта ўйлаб, кейин режалайди. Ваъда қилгани бас, мақсадга эришмагунча тиним билмайдиганлар хилдан.

Она юртимиз мустақилликнинг 19 йиллиги байрами арафасида менга — оддий бир фермер аёлга республикамиз Президентини томонидан «Ўзбекистон Қаҳрамони» юксак унвони берилганидан беҳад қувондим. Биргина мен эмас, бутун Бувайда аҳли ифтихор ҳиссига тўлганининг гувоҳи бўлдим. Бу табиий ҳол эди. Негаки, менга берилган Қаҳрамонлик унвони барчамизнинг фидокорона меҳнатимизга берилган юксак баҳо ва ҳурмат-эътиборнинг амалдаги шаҳодатидир.

Сўхбатдош:
Солиҳ ҚАҲХОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

МУШОҲАДА

Озод ва обод Ватанда яшаш, эркин ҳамда фаровон турмушга эришиш — халқимизнинг неча-неча асрлар мобайлидаги орзуси бўлиб келади.

ФАРОВОНЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Аслини олганда, бу халқ фаровонлиқда, маъмурчиликда яшаш учун ҳаётий имкониятларга эга эди. Чунки ўзбек қадимдан дунёда тенгсиз меҳнаткаш, азалий миришкор, асл дехқон, юксак хунар соҳибидир. Бу борада Президентимиз ўз маърузаларидан бирида шундай деган эдилар: «Бу халқ, керак бўлса, дўпписидан сув ташиб, дашту саҳроларда дарахт кўкартиради». Бизнинг халқимиз ана шундай — табиатан яратишга, кўкартиришга, бунёд этишга мойиллиги, она заминга чексиз меҳр-эътиқод қўйгани, қиладиган меҳнати-ю, Худо берган илму хунари билан мана шу заминни обод ва фаровон этишга ҳамиша

тайёр бир элдир. Аммо шунча меҳнатсеварлиги, хунарпарварлиги билан халқимиз ўтган замонларда на бахтли бўла олди, на фаровонлик топди... Она еримизнинг ўзи азал-азалдан курраи заминнинг энг файзли худудларидан бири сифатида машҳурдир. У — фаровонликнинг иккинчи, ҳал қилувчи омили эди. Мустақилликдан бу заминни молу давлат, бойлик, даромад манбаи, деб билдилар. Уни истаган кўйга солишди. Масалан, яқин чоризм ва қизил салтанат мустақиллиги даврида унга фақат хомашё базаси сифатида қаралди. Бунинг оқибатида Ватанимизда экологик танглик ва аҳоли генотипининг инкирозли ҳолати

пайдо бўлди. Оролдан денгиздан ажралиб қолди. Шу йўсинда, она еримиз — халқимиз учун ободлик ва фаровонлик чашмаси эмас, аксинча, фалокатлар, хатарлар худудига айланди... Демак, гап фақат меҳнатда ва фақат она замин бойликларидан эмас экан. Юрт обод, эл турмуши фаровон бўлиши учун янада муҳим, бошқа жиддий нарса зарур эди. Мана шулар тўғрисида ўйлаганимизда, бундан ўн тўққиз йил муқаддам Ватанимиз эришган Мустақиллик халқимиз ва ҳар биримизнинг тақдиримизда нақадар азият ва нақадар буюк бир воқеа бўлганини қалбдан англаб етишимиз қийин бўлмайди.

ОБУНА — 2011

Қадрли юртдошлар!

Келгуси йил учун обуна давом этмоқда. Албатта, «Hurriyat»ни 2011 йил давомида ҳам мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслақ бўлишингизга ишонамиз!



Унутманг, «Hurriyat» — сизнинг минбарингиз!
Эслатиб ўтамиз: «Hurriyat»нинг нашр индекси — 233

ТАБИАТ ВА БИЗ

Бугун Сирдарё бозорларида бўлган киши турфа қовунларнинг хушбўй ҳидидан энтиқиб қолади. Беихтиёр ушбу дам шоҳ ва шоир бобомиз Бобурни ёдга оласиз. Унинг «қовуннинг ҳажрида, кўзларидан оққан ёши» акс этган сатрлари эсга келади. Шундай пайтда Ватанга бўлган меҳрингиз юз чандон ошади.

ҚАЛБИ ДАРЁ, ШИЖОАТИ ТЎЛҚИН

— Ҳар йили вилоятимизда қовун сайли ўтказилади, — дейишди дехқонлар. — Йил сайини олиш экинларининг шуҳрати шунда! Ҳозир вилоятда қовун уруғчилиги, унинг селекциясини яратиш учун самарали ишлар қилинмоқда. Бу хайрлик. Чунки дунёнинг ҳеч бир худудидан бизнинг заминимиздаги қовун-тарвузлар битмаслиги аён. Шунинг учун ҳам бу борада орттирилган тажрибаларни тўлаш керак. «Босволди», «Обиновот», «Бўриқалла», «Кўкча», «Амири», «Умрбоқий» каби ўнлаб

навли қовунлар билан нафақат Сирдарё балки, бутун республикамиз бозорларини таъминлашмоқда. Қовунлар ҳақида гап кетганда бир пайтлар аждодларимиз қуш унса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган шу худудларга сув чиқаргани, дехқончилик қилиб қовунлар экиргани кўз ўнгимдан ўтаверади. Ана уларнинг ҳаёт манбаи — асрий сардобалар! Сардобаларга назар ташлаб, бу воҳа бир пайтлар бир қултум сувга зор бўлганини тасаввур қилсан киши! Енгинангда Сирдарё аталмиш азим

дарё оқиб ётса-ю, сувга ташнаизор бўлсанг?! Мустақилликнинг шарофати билан майдонларда сугориш, белгиланган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, обод ва кўркам бинолар барпо этишда кенг қамровли ишлар қилинди. Бугун вилоят республикамизда ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг ўчдан бирини етказиб бермоқда. Сирдарё ГРЭСи мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, қанчадан-қанча ишлаб чиқарилган объектлари, муассасалар ҳамда хонадонларни ўз нури ила ёритмоқда!

5»

ҚАРОР ВА ИЖРО

БИТИКЛАРГА ЖО БЎЛГАН ОЛАМ

Аждодларимизнинг бемисл тафаккур маҳсули бўлган қадимги тошғув ва битиклар, халқ оғзаки яқоли намуналари, кўлэмалар нанки миллий, балки умумбашарий маънавиятнинг энг ноёб сарчамаларидандир. Аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда ушбу маънавий аҳамияти беқийс. Шу боис асрлар она бизгача етиб келган бундай бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, келгус авлодларга асл ҳолича етказиш, улардан ёш авлодни юксак маънавиятли шахслар этиб тарбиялашда кенг ва самарали фойдаланиш долзарб вазифалардандир.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти директори, тарих фанлари доктори Баҳром АБДУҲАЛИМОВ билан суҳбатда суҳбатланди.

дарижаси, муаллифи, ҳажми, ёзилган ва кўчирилган санаси ва бошқа энг зарур маълумотлар қайд этилади. Бундай каталоглар турли соҳалар мутахассисларига ўз илмий тадқиқотлари учун зарур маълумотларни тез ва осон топишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Совет даврида қарийб ярим аср давомида яратилган 11 жилдли каталогда институтимиз хазинасида сақланаётган асарларнинг, ҳатто чорак қисми ҳам қамраб олинмаган.

Мустақиллик йилларида бу ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, муайян мавзулар

бўлди.

«Нақшбандия тарикати тарихига оид асарлар каталоги», тасаввуфга оид «XVIII-XX асрларда ёзилган асарлар кўлэмалари каталоги», «Аҳмад Яссавий ҳикматлари кўлэмалари каталоги» ҳам бу ишларнинг узвий давомидир. Олдиндаги каталоглаштириш ишларини янада юқори даражага олиб чиқиш вазифаси турибди. Шу мақсадда асосий фондадаги 13 мингдан зиёд маънавий тўла тавсифи қамраб олинган инглиз тилидаги электрон каталог яратилган киришди.

Институтимиз хазинасида сақланаётган ноёб

лари асл ҳолича, мукамал тадқиқ этилиши Амир Темур ва темурийлар даври тарихини янада чуқур ўрганиш, халқимизнинг жаҳон цивилизацияси ривожига тугган ўрнини дунё миқёсида кенг намоийиш этиш имконини бермоқда. Бундай манбаларнинг ўзбек ва рус тилларида тугган ўрнини таржималари билан нашр этилиши тарихимизга хорижда эътибор ва қизиқишни янада кучайтириди. Ушбу йўналишда яратилган бир қатор янги тадқиқотлар чет мамлакатларда нашр этилди. «Ҳожа Аҳрор ва унинг издошлари мактублари» китобининг инглиз тилида Гол-



ХОНАДОНЛАРИМИЗ ЯНАДА ЁРУФ ВА ЧАРОҒОН БЎЛАДИ

Пойтахтимизда Марказий Осиёда ягона ихчам люминисцент лампалар ишлаб чиқаришдан «Neo sun light» Ўзбекистон — Англия қўшма корхонаси ишла туширилди. Бу ерда тайёрланаётган лампалар сифат жиҳатидан дунёда ишлаб чиқарилаётган шундай лампалардан асло қоллнмайдн. Улардан узок вақт — узлуксиз 8000 соат (4 йилгача) фойдаланиш мумкинлигини ушбу лампаларнинг ўзига хос жиҳатларидандир. Фойдаланиш муддати оддий лампалардан 8 марта кўп бўлишига қарамай, электр энергиясини сарфи 4-5 бараварга камлиги ҳам диққатга молик.



Корхонанинг ишлаб чиқариш тизими дунёга машҳур Philips ва Osram компанияларининг технологиялари асосида ташкил этилган. Юқори суръатли ишлаб чиқариш барча участкаларини пухта тест-назоратдан ўтказишни кўзда tutади. Демак, маҳсулот сифати ҳам кафолатланади.

Корхонада жорий йилнинг ўзидек икки миллион дона 11, 15, 20 ва 25 ваттли люминисцент лампалар ишлаб чиқарилади. Лойиҳанинг иккинчи босқичи ниҳоятга етган, ишлаб чиқариш ҳажми 4 миллион донага етказилди. Шунингдек, бутловчи буюмлар ва материалларнинг 60 фоиздан кўпроги корхонанинг ўзида тайёрланади.

Ҳозир мажмур даргоҳда 200 иш ўрни яратилган. Янги корхонага радиотехника, кимё, илмий қўлғина ишлаб чиқариш бўлими олий ўқув юртлири ва коллежаларнинг битирувчилари ишга қабул қилинмоқдалар. Уларга чет эллик мутахассислар ишлаб чиқаришнинг барча сир-асрорларини ўргатишмоқда.

Абдулгани МАМАСОДИҚОВ, «Hurriyat» мухбири

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

Аллия вазирлиги ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг Оқдёр, Ургут ҳамда Жиззах вилоятининг Мирзачўл ва Фориш туманларидаги ўрта махусе, касб-хунар таълимида таҳсил олувчи ўқувчилар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Унга 2 миллион соат йиғит-қизилар жалб қилинди.

Тарғиботнинг янгича усулларини таъбиқ этган ҳолда ташкил этилган ушбу тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг марожаатлари тўғрисида»ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуларининг мазмун-моҳияти ва ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар, шунингдек, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш профилактикаси юзасидан батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, мутахассислар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мақсадимиз — ёшларимиз қалбида буюк келажакка иштибоқ янаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборат» деган фикрларини ёшлар онгига чуқур синдириш ва ёш йиғит-қизиларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини юксалтириш буйича ҳам тушунарлар берилди.

Азим РЎЗИЕВ, «Hurriyat» мухбири

«ЯНГИ ҲАЁТ»ДА ҚУРИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хоразм вилоятининг қишлоқларида змонавий турар-жойлар барпо этиш ишлари кенг кўламада амалга оширилмоқда. Жумладан, Бобот туманида 50 та шундай уйлар қал ростлаяпти. Жорий йилнинг баҳоринда 20 та иморат қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Бугунги кунда эса яна 30 та турар-жойни белгиланган муддатда қуриб битказиш учун иш жалл сурьат олди. Қурилиш ишлари «Богот-Жайхун қурилиш сервис», «Богот саҳават» МЧЖлари томонидан амалга оширилмоқда. Бунёд этилаётган маҳалла «Янги ҳаёт» деб номланади. Шунингдек, у ерда маҳалла тузари ҳам бунёд этилмоқда. Гузарга янги тўйхона, 3 та дўкон, маънавий хизмат кўрсатиш шохбачлари, ҳаммом, автомобильларга хизмат кўрсатиш ишхоналари ҳам қурилади.

Тузалбой РАҲИМБОВ, «Hurriyat» мухбири

АЛ ХОРАЗМИЙГА ҲАЙКАЛ

Тўрткўл туманида бунёдкорлик ишлари белгиланган режа асосида ташкил этилгани боис бу ерда қўллаб-йити савдо дўконлари, аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш шохбачалари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Яқинда туман марказида яна бир эзу иш амалда оширилди. Буюк аллома Ал Хоразмийнинг муҳташам ҳайкали ўрнатилди. Шу муносабат билан бу ерда таънавали тадбир уюштирилди.

Ўзбекистон Қарамонин, таниқли археолог-олим Ф.Хўжалиевнинг ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси тарих ва ўлкашунослик музейида археология бўлими ташкил қилинди. Унда ўлкаимиз тарихига оид янги экспонат, маълумотлар тўпламлари, музейда 60 мингдан кўп ноёб экспонатлар мажмур.

Ғоиб ЁҚУБОВ, «Hurriyat» мухбири



бўйича алоҳида каталоглар яратилган киришилди. Тадқиқотлар натижасида 1998-2000 йилларда тарих, табиий фанлар ва тиббиётга оид кўлэмалар тавсифларини ўз ичига олган урта каталог нашр этилди. Уларда муайян фан ва унинг тармоқларига тегишли даярли барча кўлэмалар ҳақида бирламчи маълумотлар тўла қамраб олингани тадқиқотчилар учун катта қулайлик яратди.

Юртимизда китобат санъати қадимдан юксак даражада ривожланган. Буюк алломаларимиз томонидан яратилган кўплаб китоблар ана шундай мохир хаттотлар қалами орқали бизгача етиб келган. Уларнинг аксарияти ниҳоятда гўзал наस्ताлиқ хатида китобат қилиниб, нафис бадиий лавҳалар ва миниатюралар билан безатилган.

Кўлэмаларга ишланган ана шундай расмларни жамлаш мақсадида уч жилдли «Шарқ миниатюралари каталоги» нашр этилди. Ушбу каталогларни тайёрлаш ва чоп этишда институтимиз олимлари ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти олимлари яқиндан кўмак берди. Бу манба тасвирий санъат тарихи билан шуғулланувчи мутахассислар учун муҳим қўлланма

ландияда, Берунийнинг «Сайдана» асарини юзасидан яратилган тадқиқотлар форс тилида Эронда чоп этилгани шулар жумласидандир.

— Манбашуносликда кўлэма асарлар таржималарини асл матни билан бирга нашр этиш анъана тусини оллоқда. Бунинг сабаби нимада? — Тўғри, ҳозирги вақтда институтимизда кўлэма асарлар таржимасини асл матн билан бирга нашр этишга эътибор кучайди. Чунки ҳар қандай таржимада муайян камчиликлар бўлиши мумкин. Асл манбанинг берилиши таржимадаги нуқсонларни бартараф этиш, тадқиқотчиларга бевосита асл манбадан фойдаланиш имкониятини яратди.

Бундай изланишлар ўз натижаларини бермоқда: Носириддин Тўранининг «Бухоро арки ҳақида тадқиқот», Хусайн Воиз Қошғийнинг «Ахлоқи муҳсиний» асарлари таржималари ва уларнинг нодин форсий кўлэмалари, факсимил нусхаси билан бирга чоп этилди.

Айни пайтда шу усулда XVI-XIX асрларга оид бир қанча қимматли манбаларнинг ҳам туркий ва форсий тиллардаги илмий-танқидий матнларини яратиш ишлари якунига етмоқда. Бу туркумда ишларнинг нашр этилиши юртимиз тарихининг нисбатан кам ўрганилган даврларини

— Биз глобаллашув жараёнлари тобора чуқурлашаётган, инсон онги ва тафаккурини эгаллашга интилишлар кучаяётган замонда яшаймиз, — дейди Б.Абдуҳалимов. — Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бундай шароитда жамият тараққийнинг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир. Маърифатли инсон ўзлигини англашга, теран томирларини идрок этишга интилади. Бунга эришиш учун тарихни билиш муҳим аҳамиятга эга.

росга эга бўлган халқ жараёнлари тобора чуқурлашаётган, инсон онги ва тафаккурини эгаллашга интилишлар кучаяётган замонда яшаймиз, — дейди Б.Абдуҳалимов. — Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бундай шароитда жамият тараққийнинг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир. Маърифатли инсон ўзлигини англашга, теран томирларини идрок этишга интилади. Бунга эришиш учун тарихни билиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис Ватанимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан халқимизнинг юртимиз, тилимиз, маданиятимиз, қадриятларимиз тарихини билишга, ўзлигини англашга интилиши кучайди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда Президентимизнинг 2006 йил 3 апрелда қабул қилинган «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлаётди. Утишимизни асл ҳолича ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг намоийиш этишга қаратилган илмий изланишлар кўламини кенгайтиди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тарихимизни ҳолисона ўрганиш ва жаҳон миқёсида кенг намоийиш этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Илмий тадқиқот ва илм-фан масканларида бу фаолиятни изчил амалга ошириш учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, шарқшунос, манбашунос, тарихчи, музейшунос ва археолог олимлар ўз изланишларини холис ва ҳаққоний амалга ошириш, дуненинг нуфузли илм-фан марказлари билан ўзаро тажриба ва маълумот алмашиш, манбаларни чуқур ўрганиш имкониятига эга.

— Тарихий ўрганишда фондларда сақланаётган каталоглардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тадқиқотчилар ва китобхонлар учун кўплаб қулайликлар яратди. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Кўлэмаларни илмий тавсифлаб, каталоглар яратиш институтимиз илмий фаолиятининг асосий йўналишларидандир. Уларда асарларнинг номлари, қисқача мазмун-мун-

дарихий ҳужжатларни ўрганиш ишлари ҳам изчил давом этаётди. Тадқиқотлар натижасида фондадаги уч мингдан зиёд тарихий ҳужжатларнинг фикристи тузилди. Унда ҳужжатларнинг таркиби, даври, мазмун-маънавий ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Бу тарихий манбаларни ўрганишда ҳорижда етакчи илм-фан марказлари билан йўлга қўйилган алоқалар ўз самарасини бераётди. «XIX-XX аср бошлари Хива қозилдиқ ҳужжатлари каталоги» Японияда, «Марказий Осиё ёриқлари каталоги» Германияда чоп этилди.

Шарқшунос ва манбашунос олимларимиз юртимиздаги бошқа кўлэмалар хазиналарида сақланаётган манбаларни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Олимларимизнинг Марказий Осиё тарихига оид манбаларни ўрганиш юзасидан олиб бораётган тадқиқотлари ҳам самарали бўлмоқда. Институтимиз хазинасида сақланаётган Ибн Арабшўнинг «Амир Темур тарихи», Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаб саъдийи ва мажмаи баҳрайи», Муиниддин Нантанининг «Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний» асар-

ҲАДЯ ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

Афсуски, ҳаётда айрим қариндошлар ўртасида мулк талашини ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бундай ҳолат ҳуқуқий билимининг саёзлигидан нишондир. Шу боис бугун ҳадя шартномасини қандай тузиш ҳақида қисқача маълумот беришга эҳтимол.

Ҳадя шартномасига мувофиқ ҳадя қилувчи ҳадя олувчига ашёни текинга мулк қилиб беради; ашёни текинга бериш мажбуриятини олади.

Ҳадя олувчига мулкни ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топириш назарда тутилган шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Бундай ҳадяга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ворислик тўғрисидаги қоидалари

қўлланилади. ФКнинг 503-моддасида ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилганига қадар истаган вақтда уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда ҳадя бекор қилинган ҳисобланади.

Агар ҳадя шартномаси ёзма тарзда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам шу тарзда амалга оширилиши керак. Шунингдек, ҳадя шартномаси рўйхат-

дан ўтказилган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадя қилувчи ҳадя олувчидан ҳадяни рад этиши оқибатида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Кўчар мулк ҳадя қилинаётганда, фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортик суммага шартнома тузилаётганда, шунингдек, шартнома келажакда ҳадя ваъда қилинганда, ҳадя қилувчи юридик шахс бўлганда шартнома шу тарзда тузилиши лозим. Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши, лозим бўлган автотранспорт

воситаларини ҳадя қилиш шартномаси эса нотариал тасдиқланган бўлиши шарт.

Шартнома тузилгандан сўнг ҳадя қилувчининг моддий аҳоли жиддий ёмонлашган бўлса, у келажакда ваъда қилган шартномани бажаришдан бош торттишга ҳақли.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаётида қилувчи жиддий ёмонлашган бўлса, у келажакда ваъда қилган шартномани бажаришдан бош торттишга ҳақли.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаётида қилувчи жиддий ёмонлашган бўлса, у келажакда ваъда қилган шартномани бажаришдан бош торттишга ҳақли.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаётида қилувчи жиддий ёмонлашган бўлса, у келажакда ваъда қилган шартномани бажаришдан бош торттишга ҳақли.

кетишига олиб келиш хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадя шартномасини бекор этишини суд тартибиде талаб қилишга ҳақли.

Шартномада ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт сифатида кўрсатилиши мумкин. Ҳадя бекор қилинган тақдирда ҳадя олувчи ҳадя қилинган ашёни, агар у ҳадя бекор қилинган пайтда асл ҳолича сақланган бўлса, қайтариши лозим. Ҳадя шартномасини бажаришдан бош торттиш ва ҳадяни бекор қилиш тўғрисидаги қоидалар оғзаки тузилган ҳадя шартномаларига нисбатан қўлланилмайди.

Манзур ҚУРБОНОВА,
Ромитан туман давлат нотариуси

ЖАРАЁН

ФАРОВОНЛИКНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

ТААССУРОТ

Дунё тамаддунида Бухоро номи билан машҳур бўлган кўҳна масканди тикланган ҳашаматли уч обиди: салобатли амфитеатр, вилоят музикали драма театрининг кўркем биноси, "Кўҳна ва боқий Бухоро" тарихий монументи қад ростлади. Бу ерда фавворалар шовқаси, зарҳал йўлаклару муҳташам тош бағрига нақилланган манзаралар, ҳатто оддий ўриндиқлардан тортиб, шифту саҳналари ҳашаматга қадар фусункор...

Дилга оро — БУХОРО



Аввало, ушбу мажмуа шариф шаҳар қиёфасига, унинг кечаги ва бугунги чиройига уйғун сайқал топгани кишини қувонтиради. Қисқа фурсатда қурилган ҳашаматли иншоотларнинг забардаст пойдеворидан тортиб, кўзни қамаштиргувчи сўнгги безакларига — ҳамма ҳаммаси минг-минглаб инсонларнинг қалб қўри, пешона тери эвазига барпо этилганини кўз ўнгимиздан ўтказсақ, аллақандай сеҳрли олам оғушида ўзимизни ҳис этамиз.

Юртбошимиз Бухорода янги масканини очилиш маросимида, унинг қурилишига оид манбаалар ҳусусида тўхталаркан: "Маданий мажмуага муносиб ном бериш учун кечалари ухламай ўйлаб чиқардим", — деганларида фидойи бунёдкорларимизнинг матонатини, куч-гайратини яна бир бор ҳис этдим.

Юрта дахлдорлик туйғусини ўзида мужассам этган инсонларнинг энг ибратли вакилларига қараб туриб, шу пайтга қадар ўз касбим юзасидан бажарётган ишларим урвоғдек кўринди. Мен ҳам шу заминнинг заррасиманку, шу юрт қорига яраш учун қандай юмушларни бажардим, дея ўз-ўзимдан сўрасам, бирикми қораламалардан бошқа ҳеч нарса қилмаганим учун хижолат тортидим. Кўз очиб юмгунча бепаён кенгликларда тикланган маданий масканини ойнаи жаҳон орқали томоша қилган миллионлардан томошабинлар кўнглидан шунга ўхшаш туйғулар кечган бўлса ажаб эмас. Ҳамюртларимиз гуруланди, кўнглилари фахрга тўлди.

Бу гўзал маскан кўп асрлар давомида миллионларнинг онг-шуурига олий, умумбашарий туйғулардан, шарқнинг ўлмас қадриятларидан, юртпарварликдан ҳикоя қилувчи маърифат ва маънавият ўчоғи бўлиб хизмат қилади.

Мамлакат НОРМУРОВОДА, "Hurriyat" муҳбири

(Бошланғичи 1-бетда.)

Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллигимизнинг шарафли ўн тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида айтганларидай, Мустақиллик туфайли Ватанимиз озодликка эришиб, бизнинг ҳеч кимга тобе ва қарам бўлмадан яшашимиз таъминланди, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олдик, юртимизнинг мавжуд бойликларини, унинг табиий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини халқимиз фаровонлигини юзага чиқаришнинг ҳаётбахш омилига айлантирдик.

Озод Ватанда яшаш, эркин ва фаровон турмушга эришиш билан боғлиқ орзу-хаёлларимиз Мустақиллик туфайлигина ҳаёт ҳақиқатига айланди.

Мамлакатимиз Конституциясида ҳар бир фуқароннинг қонуний ҳуқуқи белгиланди. Халқ фаровонлиги миллий мустақиллик мафқурасининг асосий ғоясига айланди. Истиқлол, аввало, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига катта йўл очди. Бугун бу халқ Президентимиз раҳнамолигида ўз меҳнати, уқуви, тадбиркорлиги билан ҳаётда мўъжизалар яратмоқда. Кунда бир чирой очаётган шаҳарлар ва қишлоқларимизнинг эрталардагидаги фусункорлиги, қурилаётган янги шаҳарлар, темир йўллар, автомагистраллар, маданият, таълим, тиббиёт қосоналари, олис туманлар, шаҳарлар ва қишлоқларда бунёд этилаётган спорт мажмуалари, стадионлар, сув ҳавзалари, кўз ўнгимизда шаклланаётган шаҳарлар андозасидаги замонавий қишлоқлар, улардаги равон йўллар, агросаноат корхоналари, бошқа инфратузилмалар... булар, чиндан ҳам халқимизнинг нималарга қодир эканини кўрсатади. Бугун эл меҳнати — фаровонлик манбаига айланди.

Ўзбекистон Истиқлол даврида галла мустақиллигига эришди. Унинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга кўпаймоқда. Масалан, юртимизда яқин йилларда 6-6,5 миллион тонна атрофида дон маҳсулотлари етиштирилган бўлса, жорий йилда 7 миллион тонналик улкан галла хирмони бунёд этилди. Галла ҳосили фақат халқимиз эҳтиёжини мўл-кўл даражада қоплабгина қолмай, яқин-узок хорижий давлат-

ларга экспорт ҳам қилинмоқда.

Ер юзиде кўпгина мамлакатларни танг аҳволга солиб қўяётган жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан Ўзбекистон саноқли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатларига эришмоқда. Чунончи, охириги йил давомида мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш даражаси мос равишда 9 ва 8,1 фоизни ташкил этди. Бу йил эса 8,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Иқтисодиётдаги ўсиш халқ фаровонлигининг манбаи ҳисобланади. Куйидаги рақамлар бунинг яққол тасдиқлайди: 1990 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши тахминан 3,5 қарра, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробар ошди. Бу ўсиш аҳоли даромадининг йил сайин ошиб боришини ҳам таъминламоқда. Президентимизнинг Мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан халқимизга йўллаган табрик сўзида айтилганидай, мамлакатимиз фуқароларининг ўртача ойлик иш ҳақи шу йилнинг охиригача қарийб 500 АҚШ долларини ташкил қилиб, тахминан 14 мартага кўпаяди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши мамлакатимизда босқичма-босқич, тадрижий равишда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг ёрқин натижасидир. Истиқлол даврида галла мустақиллигига эришганимиз бунинг жайли — бир амсоли эди. Яна шунинг фахрлини айтмаймики, биз бу даврда ёнилғи-энергетика соҳасида ҳам мустақилликни кўлга киритдик. Ҳозирги кунда Ватанимиз ёнилғи-энергетика бўйича ўзининг катта захирасига эга бўлгани сабабли ўз эҳтиёжларини тўла қоплашдан ташқари бошқа давлатларга экспорт ҳам қилаяпти.

Яна бир қувонарли ҳолат: Мустақиллик туфайли Ўзбекистон дунёдаги 28 та автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлардан бирига айланди. Жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан бизнинг автомобилларимизга ташқи бозорда эҳтиёж ўса ўсайптики, камайгани йўқ. Масалан, фақат 2010 йилнинг биринчи ярмида Россия Федерациясида 32 мингдан ортиқ ав-



томобилларимиз сотилди. У ўтган 2009 йилнинг шу пайтидаги нисбатан 17 фоизга кўпдир. Ўзбек автомобилсозлари халқаро андозалардаги янги-янги автомобиль русумларини ўзлаштириб, бу соҳада навбатдаги юқори марраларга интилмақда.

Халқимиз эса ўзимизда ишлаб чиқарилаётган энгил автомашиналарни жуда-жуда севади. Яқин ўтмишда хонадонда велосипеднинг пайдо бўлиши рўзгор тўқинлигидан далолат ҳисобланар эди. Бугун эса юртимизнинг ҳар икки хонадондан бирида "Нексия", "Ласетти", "Матиз", "Дамас"ни кўраимиз.

Бугун ҳар бир кишининг ўз шахсий меҳнатидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Бундай омил ва иқтисодий имконият оилаларнинг фаровонлигини раванк топтирапти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизими бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирмоқда. Айни пайтда одамлар фаровонлигининг асосий манбаи — аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили-

га айланмоқда. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтгим келди. Бир қатор китоблар ва изоҳли луғатларда, айрим юрtdошларимизнинг назарида ҳам фаровонлик маъноларида тушунилиб, асосан тўқ-бадавлат яшаш, дастурхонлар мўл-кўнчилиги, бойлик, пул, даромад олиш маъносига талқин этилади. Аслида ҳаётда фаровонлик анча кенг мазмунда қўлланилади. Илм-фанда, кенг муомалада иқтисодий-маиший фаровонлик билан бир қаторда "ижтимоий фаровонлик", "маънавий фаровонлик" иборалари бежиз истифода этилмайди. Шундан келиб чиқариб бўлса, халқ фаровонлиги дейилганида, умуман, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиёт даражаси тушунилади.

Маълумки, Президентимиз томонидан Истиқлолнинг илк кунларидеяк асослаб берилган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлининг бош хусусияти унинг чуқур ижтимоий йўналтирилганидир. Яъни, мамлакатда аҳоли ман-

фаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсат изчил амалга ошириб келинмоқда. Бунинг далили сиёсатда биргина тиббиёт соҳасида тобора чуқурлашган ислохотларни олиб қўрайлик. Мамлакатда тиббий ислохотлар жараёнда иқтисослашган йирик тиббий-илмий марказлар вужудга келмоқда, шунингдек, бугун тиббиёт тизими изчил равишда замонавий даволаш-таъхис техника ва технологиялари билан янгилиниб борапти. Ёки қишлоқларда тамомил янги андозадаги даволаш муассасалари — қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВПлар) тизими вужудга келди. Яна бир янгилик: тиббиётда хусусий тадбиркорликка кенг йўл берилиши аҳолига тиббий хизмат сифатини кўтариш омилига айланмоқда. Айниқса, мамлакатда оналар ва болалар саломатлигини тубдан яхшилашга қаратилган "Соғлом она — соғлом бола" Дастурини оилалик. Бу дастур асосида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар янги авлодни вояга етказишдай стратегик мақсадни юзага чиқаришнинг таянч омилиларидан бирига айланмоқда.

Михли САФАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист

Тиббиётдаги бундай ислохотлар ҳозирнинг ўзида қувонарли самараларни берапти. Чунончи, аҳолиимизнинг ўртача умр кўриш даражаси сўнгги 20 йил мобайнида 67 ёшдан 73 ёшга етганининг ўзи кўп нарсани аңглатади.

Жорий йилимиз "Баркамол авлод йили" деб аталди. Мана шу Давлат дастури асосида ёшларга оид мавжуд қонунлар такомиллаштирилмоқда ва янги қонунлар устида ишланмоқда. Ёшларнинг уй-жой ва турмуш шароитини яхшилаш, уларни иш билан таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Булар — юртимизда ижтимоий фаровонликни юксалтириш йўлида қилинаётган кўпдан-кўп ишларнинг гавҳардай зарраларидир.

Маълумки, Президентимиз томонидан халқни маънавий ривожлантириш Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ умумтараққиётимизнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган эди. Ўтган 19 йил мобайнида халқимиз ўзини буюк бир миллат сифатида аңглади. Мустақиллик даврида халқимизнинг тенгсиз салоҳияти қайта уйғонди. Ёшлар орасида халқаро спорт ареналарида энг юқори шохсупаларга кўтарилаётган фарзандларимизнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Миллий курашимиз жаҳон миқёсига чиқди. Талаба ва ўқувчи ошларимиз халқаро фан олимпиадаларида катта ютуқларни кўлга киритмоқдалар. Ҳозирги ёшлар мактабдаёқ бир неча чет тилларини ўрганиб чиқишапти, компьютер, электроника уларнинг севган соҳаларига айланмоқда. Булар ўтган йиллар давомида мамлакатда баркамол янги авлодни тарбиялашда аҳойиб натижаларга эришилганининг айрим далиллари, мулоҳазаси.

Яна бир мулоҳаза. Халқимиз мустақиллик йилларида ўзининг азалий маънавий сифатларини қайта тикламоқда. Бағрикенглик, олижаноблик, савобли ва ҳимматли ишларга мойиллик каби фазилатлар яна ривожланиб, ҳаётда гўзал натижалар берапти.

Мустақиллик туфайли халқимиз бахту саодатини ўз қўли ва меҳнати билан яратишга қатъий қарор қилиб, фаровонликнинг ойдин, келажаги порлоқ йўлидан бормоқда. Юртимиз тинч бўлиб, мустақиллигимиз мустаҳкамлиб борар экан, бизнинг, келгуси авлодларимизнинг бахти барқарор, Ватанимиз тараққиёти ва халқимизнинг фаровонлиги янада юксакликларга кўтарилаверади.

Михли САФАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган журналист

ХУҚУҚ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ ТУЗИШ ВА УНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАОМИЛЛАРИ

Бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалиги субъектлари ўз фаолиятларини асосан шартномавий муносабатлар орқали амалга оширади. Шу сабабли шартномалар тузиши, уларни расмийлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, агар соҳада ислохотлар чуқурлашиб бораётган бир даврда контрактиция шартномаларини тузиш ва уларни расмийлаштириш алоҳида маъсулият талаб қилади. Чунончи, контрактиция шартномаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридея қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, шартнома иттифоқини мустаҳкамлашга, фермер ва беҳқон хўжаликларни томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш тизимини ташкил этишни яхшилашга йўналтирилган бозор ислохотларини чуқурлаштириш назарда тутилган.

Контрактиция шартномаси, уни расмийлаштириш билан боғлиқ тушунчалар ва қондалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юрты учун субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун, "Қишлоқ

Низом" ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Контрактиция шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи, уларни қайта ишловчи ёки маҳсулотни сотиш учун харид қиладиган шахсга — тайёрловчи шартлашилган муддатда топшириш мажбуриятини олади. Тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш, унинг ҳақини келишилган муддатда, белгиланган баҳода тўлаш мажбуриятини олади.

Бу ҳужжатда шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортименти, миқдори (ҳажми), сифати, нархи (турлари бўйича), шартноманинг умумий суммаси, тарафларнинг ҳуқуқлари, ўзаро мажбуриятлари, маҳсулотни етказиб бериш тартиби, топшириш-қабул қилиш пунктлари ва муддатлари, идишга, маркировка қилишга, ўраш-жойлашга қўйилган талаблар, ҳисоб-ки-тоблар тартиби, томонларнинг тўлов, почта ва юклаб жўнатиш

реквизитлари, шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки зарур даражада бажарилмаганда томонларнинг мулкий жавобгарлиги, низоларнинг форс-мажор ҳолатларини ҳал этиш тартиби, томонларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана, жой кўрсатилади.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактиция шартномаларида давлат эҳтиёжлари учун қабул қилинадиган ҳамда хўжалик иҳтиёрида қоладиган маҳсулотларнинг нави, шунингдек, миқдори ҳам кўрсатилади.

Томонлардан бирининг ариза-сига кўра ёхуд қонунчиликка мувофиқ келишувга эришиш керак бўлганда шартномалар учун назарда тутилган бошқа муҳим бандлар ҳам шартномаларга киритилиши керак. Шартномага қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари, миқдори ва асортиментини белгилловчи, иккала томоннинг имзоси билан тас-

диқланган ҳамда шартноманинг таркибий қисми ҳисобланадиган жадвал илова қилинади. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташиқлотлари агротехника чора-тадбирларини амалга оширишдан бир ой олдин шартнома тузиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи жойлашган манзилга ўзининг ваколатли вакилини юбориши керак.

Тайёрлов ёки хизмат кўрсатиш ташкилоти вакилидан олдинги хўжалик шартномаси лойиҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи 7 кун мобайнида қўриб чиқиши, эътирозлар бўлмаса, имзолаши ва тайёрловчи ёки хизмат кўрсатувчига қайтариши шарт. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчида шартнома лойиҳаси шартлари бўйича эътирозлар пайдо бўлса, келишмовчиликлар тўғрисида юқоридея кўрсатилган муддатларда баённома тузади ва уни тайёрловчи хизмат кўрсатиш ташкилотига жўнатади. Бу ҳусусда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг хабардор қилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчининг шартнома ҳулосасига илгари шартнома лойиҳасида назарда тутилганлардан ташқари шартларга розилиги мавжуд бўлган жавоб акцепт (акцептлаш) ҳисобланмайди. Келишмовчиликлар тўғрисидаги баённома қабул қилинмаганда ёки уни қўриб чиқиш натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор этилганда маҳсулот тайёрловчи низоини қўриб чиқиш учун судга беришга ҳақлидир.

Тузилган шартнома имзоланган вақтдан бошлаб 3 кун ичида тайёрлов ташкилотлари томонидан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади. Тақдим этилган шартномани қўриб чиқиш туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими томонидан 3 иш кунига амалга оширилади. Шартномаларни рўйхатдан ўтказишда қўшимча ҳужжатлар ёки тўлов талаб қилинишга йўл қўйилмайди. Шартноманинг амалдаги

қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, муҳим шартларнинг мавжудлиги, маҳсулот нархларининг ошириб юборилмаслиги ҳусусида бандлар киритилгани текширилади. Шартнома юқоридея талабларга мувофиқ бўлса, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади. Шартноманинг барча нуسخаларига рўйхатдан ўтказилгани тўғрисида белги қўйилади, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳодими томонидан имзоланади, имзо муҳр билан тасдиқланади. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳодимлари рўйхатдан ўтказишнинг тўғриллиги учун жавоб беради.

Юқоридея муҳим норматив қондаларга риоя қилиниши контрактиция шартномаларини тузадиган томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимосининг тўлиқ таъминланиши учун муҳим ҳуқуқий омиллар ҳисобланади.

Б.КЕНЖАЕВ, Тошкент вилоят хўжалик суди судьяси

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ДАРАКЛАР

КОНЧИЛАРНИ КЎТҚАРИШ БОШЛАНДИ

Чилилик мухандислар бир неча юз метр чуқурликда қолиб кетган ўттиздан ортиқ кончини кўтқариш учун туйнук очишни бошлашганига бир ой тўлди. Аммо кунига энг кўпи билан 20 метргача ер ўйилаяпти, ҳолос. Мутахассислар кончиларнинг кўтқарилишини декабрнинг охирига бориб амалга ошириш мумкинлигини айтишмоқда. Аини пайтда ер тагида қолиб кетган кончиларга жуда тор туйнук орқали озик-овқат ва ичимликлар етказиб берилаяпти.




Би-би-си ахборот маҳкамаси хабарида қайд этилишича, барча кўтқарув тадбирлари белгиланган режага мувофиқ кечса, туйнукдан кончилар ўз вақтида талофатсиз тортиб олинади.

Улар ҳозиргача глюкоза ва оксилга бой сўт билан озикланаётганлар. Аммо кончиларнинг руҳий ҳолати бўйича хавотирлар мавжуд.

Тез орада бу ерга НАСА фазо агентлиги мутахассисларининг етиб келиши ва кўтқарув гуруҳига маслаҳат бериши кутилмоқда.

БРАЗИЛИЯДА ҲАМ ЎРМОН ЁНГИНИ

Бразилия ҳукумати ўрмон ёнгинлари сабабли 11 штатда фавкулда ҳолат эълон қилди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2010 йили мамлакат ўрмонларида 13 мингга яқин ёнгин қайд қилинган. Аиниқса, Гояс штатидаги Эмас миллий боғи бундай офатдан катта зиён кўрди. У ердаги ўсимликларнинг 90 фоизи ноубуд бўлган. Бугунгача Токантис штатидаги Арагуая миллий боғи-



нинг 60 фоизи ёниб кетди.

Мутахассисларнинг қайд этилишича, ёнгинга курғоқчилик сабаб бўлмоқда. Аини пайтда Бразилиянинг баъзи ҳудудларида ҳавонинг намлик даражаси Саҳрои Кабирдан ҳам паст экан.

36 ЙЎЛОВЧИ ОМОН ҚОЛДИ

France-Presse ахборот агентлигининг тарқатган хабарларга кўра, Пуэрто Ордаз шаҳри (Венесуэла) яқинида кулаган йўловчи самолётдаги йўловчилардан 36 киши омон қолган. 15 киши эса қидирилмоқда.



Францияда ишлаб чиқарилган АТР-42 русумли самолёт бортида жами 51 йўловчи бўлган. Мазкур самолёт Маргарита оролидан Пуэрто Ордаз шаҳрига йўл олган эди. Аммо самолёт тахминан 10 километр узоқликка учганидан сўнг ерга кулаган. Ҳозирда тезкор кўтқарув гуруҳи томонидан 36 киши топилиб, авария юз берган жойга яқин аҳоли яшаш масканидаги касалхонага келтирилган. Мазкур ка-

салхона бош шифокорининг айтишича, уларнинг ҳаммаси тиббий кўриқдан ўтган. Жабранувчиларнинг ҳаётига ҳеч қандай ҳавф йўқ. Қолган 15 йўловчини қидириш ишлари давом этмоқда. Ҳозирда фалокат сабабларини аниқлаш мақсадида суриштирув олиб борилмоқда.

ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЛИ АВТОМОБИЛЬ

Япониянинг «Toyota Motors» компанияси 2012 йилга бориб, гибрид ва электр двигателли олти хил автомобиль ишлаб чиқаришни режалаштиряпти, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Компания вице-президенти Такеши Ючиюмадунинг айтишича, янги русумдаги автомобилларнинг баҳоси 40 минг АҚШ доллари атрофида бўлади.



МАСТ ҲОЛДА ҲАЙДАШ ТАКИҚЛАНДИ

Италияда маст ҳолда автомобиль ҳайдашни тақиқлаш тўғрисидаги қонун қучга кирди. Унга кўра, спиртли ичимлик ёки гиёҳванд модда истеъмол қилиб рулга ўтирган шахснинг машинаси мусодара қилинади ва кимосди савдосига қўйилади ёки фойдаланиш учун полиция хизматига топширилади.

Маълумотларга қараганда, автомобиль ҳалокати туфайли юз берадиган ўлим кўрсаткичи бўйича Италия Фарбий Европада биринчи ўринда туради.

СИР ОШКОР БЎЛДИ

Британиялик чарм кўлқоп устаси Рикки Хаттон жиддий машаққатларга аралашиб қолган кўринади. Гап шундаки, News of The World газетасининг шанба кунги сонида машҳур боксчининг кокаин моддасига



ўхшаш оқ кукунни ҳидлаётган сурати эълон қилинди. Шунингдек, спортчининг худди шу ҳолатидаги видео тасвир ҳам намойиш этилган.

Ушбу воқеалардан сўнг, Рикки Хаттон ўзини оқлашга уринмади. Унинг оиласидагилар ва дўстлари сирнинг ошкор бўлиши Рикки Хаттонни оқ ажал домидан ҳалос этишига ва айш-ишратга боғланиб қолган кунлардан фориғ бўлишига ёрдам беришига умид қилмоқда.

— Мен Риккини охириги марта кўрганимда унинг аҳволи ачинарли эди, — дейди боксчининг вакилларидан бири Макс Клиффорд www.boxingscene.com сайти мухбирларига берган интервьюсида. — У ўзини ҳамма нарсадан йироқдагидек ҳис қиларди. Оила, дўстлар ва мухлислар унга бегонадек эди, гўё. У менга ўзининг оғир руҳий аҳволга тушиб қолганини айтди. Уйлашимча, унга охириги ўтказган жанглари салбий таъсир қилган.

ИККИ СЕНСОРЛИ НОУТБУК



«Асер» компанияси ўн беш доймий икки сенсор экранли ноутбук яратди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, унинг клавиатураси тўла сенсорли экрандан иборат. Янги ноутбук Intel Core i5 чип (микрпроцессор) таъ-

миноти ва Windows 7 операцион тизими асосида ишлайди. У 2011 йилда сотувга чиқарилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ЭКОЛОГИЯ

ОЗОДАЛИК — САЛОМАТЛИК КАЛИТИ

Инсоният янги минг йилликка қадам қўйган бир пайтда унинг билан табиат ўртасида минтақавий муаммолар яна кучаймоқда. Иқлим ўзгариши, чиқиндиларнинг ҳаддан зиёд кўпайиши, тупроқ қатламнинг ҳолсизланиши, сув захираларининг ифлосланиши, биологик хилма-хилликнинг камайиб бориши, ижтимоий-гигиеник ҳамда инсон саломатлиги билан боғлиқ масалалар долзарб бўлиб қолмоқда.



Инсон бошқа тириклик вакиллари каби табиат йўригига юрмади, билакс табиатни ўзига бўйсундиришга уриниб яшади ва бунга эришди, лекин бу энди унга жуда қимматга тушмоқда.

Иқлимнинг ўзгариши, ҳаво, тупроқ, сувнинг ифлосланиши, наботот ва ҳайвонот турларининг қисқариши, чўлланли сингари инкирозларнинг умумсайёравий муаммога айлангани бугун инсониятнинг яшашига, сиҳат-саломатлигига жиддий ҳавф туғдираётди. Турли-туман кимёвий заҳарлар — фосфатлар, нитратлар, гербицид ва пестицидлар, ҳатто атмосфера азон қатламнинг ҳам заҳарлиниши инсон саломатлигига ҳуруж қила бошлади.

Хасталанган табиат одамларни ҳам хаста қилиши кейинги 30-40 йилда эътироф этилди. Аммо бу вақтга келиб sanoat, кишлоқ хўжалиги, энергетиканинг жадаллик билан ривожланиши ҳамда ёнғиннинг кўп миқдорда ёқиши одамларни экологик ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Инсоният олдида соғлиқни сақлаш ва вужудга келган вазиётда қандай жон сақлаш муаммоси пайдо бўлди. Гарчи ҳозирча вазиёт тузатиб бўлмас даражага етмаган бўлса-да, мутахассислар кўпгина хасталиклар айнан нокулай экологик вазиёт натижасида келиб чиқаётганини таъкидлашмоқда. Хусусан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда 80 фоиз касалликлар мавжуд эко-

логик ҳолат сабабли пайдо бўлаётган экан. Кишиларида учрайдиган кўпгина хасталикларнинг келиб чиқиши атмосферанинг таъсири билан белгиланади. Иқлим омилларининг комплекс таъсири натижасида организмда сифат жиҳатдан ўзгарган янги реакция вужудга келади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик экинларини турли касаллик ва зарарли кушандалардан ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган пестицидларнинг мингдан ортиқ тури ва шунча бирикмалари мавжуд. Булар ер юзидаги 15 миллион квадрат километрдаги экин майдонларида қўлланилади.

Биосферада (тупроқда, сувда, ҳавода) кенг тарқалиб кетадиган бу моддалар барча тирик мавжудот, бинобарин инсон ҳаёти учун ҳам фавкулда ҳавфли тус олаётди. Чунки умум-экологик ҳавф жиҳатидан қаралганда, атом электрстанцияларининг радиактив чиқитлари 16 бирликка, пестицидлар ҳавфи эса 140 бирликка эга (9 мартдан кўпроқ ҳавфи).

Бугунги кунда дунё миқёсида атмосфера ҳавосининг бузилиши нафақат экологларни, балки соғлиқни сақлаш тизимини ҳам жиддий ташвишга солиб қўйди. Бинобарин, sanoat корхоналари ва транспорт воситалари томонидан катта шаҳарлар ҳавосига чиқарилаётган заҳарли моддалар ўпка, аллергия, юрак-томир, онкологик касалликлар сонининг ортишига сабаб бўлмоқда. Ҳавонинг ифлосланишида, аиниқса, автотранспорт воситаларининг ўрни катта бўлмоқда. Ҳавога ис-

гази, азот оксиди, олтингургурт, заҳарли бензапирен чиқарувчи транспорт воситалари атмосферани ифлослантиришда 30 фоизлик улушга эга. Бундан ташқари, иссиқлик электр станциялари, қозонхоналар, нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳам атмосферага жиддий салбий таъсир кўрсатади. Башарти ҳавонинг намлиги, юқори ҳарорат, шамолнинг йўқлиги юзага келгудек бўлса, ушбу манбалардан чиқариладиган заҳарли ара-лашмалар туман томчилари билан қўшилиб, муаллақ туманни юзага келтириши мумкин. 1952 йилда худди шундай куюқ заҳарли туман Лондонда 4 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган эди. Ҳозирги кунга келиб Нью-Йорк, Чикаго, Бостон, Детройт, Токио, Милан, Мадрид каби мегаполислар аҳолиси муаллақ туманлардан азият чекаётди.

Ёнғин-энергетика мажмуининг ривожланиши ҳам яна бир экологик танглик — кислотали ёмғирлар ёғишига сабаб бўлади. Азот оксидлари ва олтингургурт диоксидлари билан тўйинган кислотали ёмғирлар ўрмонларнинг йўқолиб кетиши, ҳосилнинг ноубуд бўлиши, ер унумдорлигининг пасайиб кетишига олиб келмоқда. Сув тубидаги органик моддалар кўпайиб, улардан алюмин, симоб, кўрғош, кадмий сингари заҳарли металллар ажралиб чиқади. Ушбу заҳарли металллар сувга ўтиб, инсон саломатлиги учун жиддий ҳавф туғдирмоқда. Чунки инсоннинг соғлом яшашини зарур бўлган микро ва макроэлемент-

қали таъсир этади. Тупроқнинг ифлосланиши микроорганизмлар ҳаётини ҳам ҳавф остига қўяди. Натижада уларнинг органик моддаларни минераллаштириш қобилияти йўқолади. Турли заҳарли моддалар билан зарарланган тупроқ «ўлади» ва ер ҳаёти давом эттириш жараёнидан четда қолади.

Саноатлашувнинг жадаллаши туфайли кўпайиб бораётган шовқинлар ҳам инсон саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Тадқиқотлардан аён бўлишича, узоқ муддат меъёрдан ортиқ шовқин остида яшаган кишилар марказий асаб тизими фаолияти бузилганидан азият чекадилар. Уларда бедорлик, жаҳлдорлик, тез чарчаш, бош оғриги каби ҳолатлар учрайди. Табиатдаги товушлар, жумладан, баргларнинг шитирлаши, ариқдаги сувнинг шилдираши, қушларнинг сайраши эса одамни тинчлантириб, сиқилишларнинг олдини олар экан. Лекин sanoat, транспорт ва бошқа соҳага доир техника воситаларининг шовқини бу товушларни эшитиш имкониятидан маҳрум қилмоқда.

Шундай экан, биосферадаги ҳар қандай экологик жараён инсон ҳаётига таъсир кўрсатмай қолмайди. Гарчи инсон ҳам бошқа тириклик дунёсидаги мавжудотлар каби табиатдаги ўзгаришларга мослашиб кетиш қобилиятига эга бўлса-да, инсон томонидан бугун экологик эвришилар шу қадар тез ва кенг қамровда амалга ошириляптики, унга мослашиш осон кечмаслиги аниқ. Бинобарин, йирик sanoat шаҳарларида заҳарли моддалар базан ота-онанинг қони орқали ҳомилалар қонига ҳам ўтмоқда.

Мамалякатимизда ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида экологик таҳдидлар ва улар оқибатларининг бирмунча камайтирилишига эришилмоқда. Экологик муҳитни асраб-авайлаш ва яхшилаш учун мамлакатимизда кучли қонунчилик асоси яратилган. Шу асосда салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Соғлигимиз ҳам, фаровонлигимиз, келажақдаги иқболимиз ҳам табиатга муносабатимиз билан белгиланади. Она табиятга эса меҳр кўрсатмай туриб, ундан марҳамат кутиш бемаъниликдир.

Гулнора ЖУМАЕВА,
Тошкент банк коллежи
ўқитувчиси

ҚАЛБИ ДАРЁ, ШИЖОАТИ ТЎЛҚИН

(Бошланғич 1-бетда.)

Вилоятнинг халқ хўжалигида рўй берган катта ўзгаришлар, аҳоли турмуш шароитига кириб келаётган янгиликлар, ёшларнинг билим олишлари учун яратилаётган шароитлар, эл саломатлиги учун бунёд этилаётган шифохоналар, жаҳон андозаларига ҳамма берадиган спорт мажмуалари ҳамма-ҳаммаси мустақиллигимиз шарофатидан эканини исботлаб турибди.

Сирдарёнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини кўзлаб қилинган ишларга қараб мамлакатимиз тарққиятини ҳис этиш мумкин. Аиниқса, табиатни муҳофаза қилишдек муҳим аҳамиятга эга бўлган соҳаларда амалга оширилаётган ишлар кишини хушнуд қилади. Тарихга муурожаат қиладиган бўлсак, бундан 50-60 йиллар муқаддам Сирдарё соҳилларини ҳатто табиатнинг энг ноёб жонотлари ҳам тарқ эта бошлаганди.

Ўзбекистон экологик ҳаракати матбуот гуруҳи раҳбарини Тожиддин Қамаровнинг таъкидлашича, мустақиллигимиз байрами арафасида вилоятда 20 гектарлик экологик боғга асос солинди. Бу гўшад табиатнинг муҳофаза этиш, тоза ва сифатли маҳсулотлар етиштириш учун самарали ишлар қилинмоқда. Бухоро вилоятининг «Жайрон» эко-марказидан оҳуларни келтириш режалаштирилмоқда. Сайхунобод туманида ноёб ўрдақларни кўпайтириш йўлга қўйилди. «Сайхун» хўжалигида табиатни қуёш энергиясидан муҳофаза қилиш йўлида фойдаланиладиган станция ўрнатилди. Бу табиатни сеувучи ҳар бир киши учун чинакам байрамга айланди. Табиат муҳофазаси глобал аҳамиятга эга бўлиб бораётган сўнгги йилларда вилоятда ҳар бир гиёҳни, жониворни, атроф-муҳитни сақлаб қолиш мақсадида қилинаётган бундай хайрли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш керак. Бу воҳага ёввойи турна ва ўрдақлар кўниб ўтади, чунки бунга шароит бор. Лайлақлар турғун яшаб қолдилар, бунга инсоният етарли, жонотлар ҳам тинч ва оқимонга жойни яхши кўради... Ҳайвонлар ҳисобга олинган, қушлар ҳимояда. «Кизил китоб»га киритилганлари устидан қаттиқ назорат ўрнатилган.

Сирдарё соҳилларини сайр қилиб, эришилган ютуқлардан қониқиб ҳиссини туйиш, ёрқин орзуларга берилиш кишига қучқувват бағишлайди. Қалби дарёдай кенг, гайрат-шижоатлари Сайхун тўқинларидай шиддатли. Замондошларимизнинг баракали меҳнати ўз самарасини бераётгани қалбларга истихроҳ бағишлайди.

Пардабой ТОҶИБОВ,
«Hurriyat» мухбири

ДАҲОЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Халқни, мамлакатни том маънода, буюқ қилишга қодир омиллар орасида шубҳасиз, маънавий етакчи ўринга эга. Айнан, маънавий, илм-зиёнинг юқори даражаси ўтмиш ва келажак ўртасида ўзига хос кўприк бўла олади.

Даҳолар қандай пайдо бўлади? Кўпинча, даҳолик ва илоҳийликни ўзаро боғлашди, қиёслашди. Бу бир томондан тўғри, чунки даҳоликка эришиб бўлмайди, у ўзи келади. Бошқа томондан, у юксак истеъдод билан бирга, чуқур билимга, тинимсиз изланишга, машаққатли меҳнатга асосланади.

Даҳоларга таъриф берилганда, уларнинг ҳар томонлама, яъни маънавий-маърифий, илмий, диний, дунёвий салоҳиятлари бошқалардан юқори эканлиги, инсоний гўзал хулқ-атвор соҳиби эканликлари келтирилади. Даҳоларга хос шахсий хусусиятлар билан бирга, муайян давр, ҳудуд, тегишли шарт-шароит ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бизнингча, ҳар қандай ўткир ақл-идрок соҳиби, юксак истеъдод учун, унинг парвариши, мунтазам тарзда мукаммаллашиб бориши учун кулай шарт-шароит зарур. Шу ўринда мамлакатимизда «Маъмур академияси»нинг фаолият юритгани ва мустақиллик йилларида унинг қайта тикланиши, халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар диққатга сазовор бўлди.

Давлатчилик — Мустақиллик — Миллий-маънавий ўзаро чамбарчас боғлиқ ва узвийдир. Чунки маънавий юксак бўлган халқ ўзига хос бўлади, ҳис қилади, натижада аста-секин ўз давлатчилигини қуришга ва бу орқали мустақил бўлишга интилади. Мустақиллик эса ўз навбатида,

миллий маънавиятни шакллантиришга йўл очиб беради. Миллий маънавий умум-башарий маънавиятнинг бир қисми сифатида намоён бўлади.

Мазкур тартибда, айнан маънавийгина халқни биринчи навбатда, ўзлигини англашга, кейинчалик дунёга танитишга имкон беради деган фикр мужассам. Зеро, маънавий фақатгина бугунги кун учун эмас, балки замонлар учун, аждодлар учун муҳим ижтимоий ҳодисадир.

Давлатнинг қудратли бўлишида бошқа омиллар билан бир қаторда, маънавий омиллар, мезонлар, қадриятлар ҳам жуда муҳимдир. Ифодали қилиб айтганда, айнан маънавий мезонлари «оломонни халқ бўлишга» ўргатади, ундайди, уни жипслаштиради. Зеро, инсон энг аввало, фикран эркин, маънан мустақил бўлсагина, буюқ ишларни қилишга қодир.

Миллий маънавий — миллий давлатчиликини, мустақилликни мустаҳкамловчи, юксалтирувчи, унинг барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. У ўзида муайян халқ, ҳудуд ўтмиши ва келажигини муҳасаммалаштиради.

Маънавий асослари: адабиёт, маърифат, тафаккур... Маънавий нимага асосланади деган саволга жавоб, айни пайтда, маънавиятни мустаҳкамлаш, уни юксалтириш учун нима қилиш керак деган саволга ҳам ойдинлик киритади. Инсон ақл-идроки, онги, тафаккури фикрлар хилма-хиллигига, уларнинг теран ва тиниклигига, мантиқчилигига асосланса, маънавий кенг маънода, муайян илмий, адабий муҳитнинг соғломлигига асосланади. Бундай соғломлик эса, ўз навбатида, рақобатдан, ижодий эркинликдан, хурфирлиқдан қувват олади. Адабиётнинг ўрни тўғрисида ўзбек адабиётининг ҳақиқий жонкуяри Чўлпон томонидан билдирил-

«Ёш авлодимизни турли маънавий таъжовулардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуглайдиган буюқ хусусиятлар, айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келадиган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очик сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим. Мен бу ўта муҳим вазифа кенг жамоатчилигимизнинг, айниқса, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавий соҳасига бағишлаган барча инсонларнинг доимий диққат марказида бўлишини истардим.

Ислом КАРИМОВ

«Юксак маънавий — енгилмас куч» китобидан.



ган куйидаги фикр ҳали-ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган: «Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган, қораланган, ўчган, мажруҳ, ярадор кўнгила руҳ бермак учун фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қадар сингилган қора балчиқларни тозалай-

дурган, ўткир юрак кирларини ювадурган тоза маърифат суви, хиралашган ойналаримизни ёруғ ва равшан қиладурган, чанг ва тупроқлар тўлган кўзларимизни артув, тозалайдурган булоқ суви бўлгонлигидан бизга гоят керақдур».

Тафаккур, маърифат, адабиёт — соғлом рақобат асосида шаклланса, ҳар қандай ёт ғоялар таъсиридан холи ривожлана олган тақдирдагина том маънода, маънавий асослари сифатида мустаҳкамланиб боради.

Тафаккур ва маърифат маъ-

сули бўлган адабиёт назари-мизда шундай бўлиши керакки, у тарихий хотира ва порлоқ келажак ҳақида тасаввур уйғота олса ва энг муҳими, бу жараён ҳар қандай мафкурадан холи, эркин баён этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ифодали қилиб айтганда, бугунги давр қаҳрамонида бир вақтнинг ўзида аждодларимизга хос донишмандлик, улугворлик ҳамда замонавий технологиялардан хабардорлик акс этиши лозим.

Шунингдек, биз ўз асарларимизни жаҳон тилларига таржима қилишимиз ва бу орқали ўзлимизни, тарихимизни, қадриятларимизни оламга намойиш қилишимиз ҳам яхши самара беради.

Яна бир омил ҳам борки, уни алоҳида таъкидлаш жоиз. У ҳам бўлса, китобга бўлган эътиборни янада ривожлантириш, китоб ва ўқувчини биринчи навбатда, маънан яқинлаштириш, китоб соҳасида фаолият кўрсатаётган муассасаларга қандайдир имтиёзлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам назаримизда, кўзланган мақсад сари ташланадиган асосий қадамлардан биридир.

Ҳар қандай асар муайян давр маҳсулоти дейишди. Бироқ А.Навоий, Бобур, Фирдавсий, Низомулмулк, Беҳбудий, Фитрат, Авлоний, Чўлпон, Усмон Носир каби халқимиз алломуларининг шундай асарлари борки, улар гўёки барча замонлар учун ҳам ҳосидир.

Маънавий устунлари: оила, таълим-тарбия, мактаб, зиёлилар... Маънавийдан сабоқлар илк бора оилада берилади. Кўпинча биз бундан илгарамида ва салбий оқибатларда айбни бирдананига мактаб ва бошқа ўқув муассасаларига ағдарамиз. Аслида оиладаги муҳит гўдак хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади.

Таълим-тарбия учун бир шахсни маъсул қилиб қўйиш қийин. Бунга барча бирдек маъсул, жавобгар, зеро таълим ва тарбиянинг ёнма-ён, кетма-кет қўлланилиши бежиз эмас. Таълим-тарбия барча замонларнинг долзарб масаласи бўлиб келган. Инсоният ҳақолат даврдан қанчалик жабр кўрганлиги, афсусланиши ва унинг оқибатлари ҳамон учраб турганлиги ҳеч кимга сир эмас. Жадидчиликнинг фаоллари дан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий, мактабни дунё иморатларининг энг муқаддаси ва қадрлидир, деб таърифлаган эди. Шунингдек, Авлонийнинг тарбияни ҳаёт-мамонт масаласи сифатида кўрганлиги ҳам бугунги кунда ўз долзарблигини йўқотмаган.

Аброр ЮСУПОВ, Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Аброр ЮСУПОВ, Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Аброр ЮСУПОВ, Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Аброр ЮСУПОВ, Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Аброр ЮСУПОВ, Ўзбекистон Миллий университети магистранти

Аброр ЮСУПОВ, Ўзбекистон Миллий университети магистранти

ФАОЛИЯТ

ХУРШИДБЕК ФЕРМЕР БЎЛДИ

Йўлингиз Зангиота туманига тушгудай бўлса, бу жойнинг гўзал табияти, кўркам кўчалари, ораста хонадонларини кўриб, дилингиз яйрайди. Меҳнатсевар, иймони бут халқи билан гап-лашгингиз келади.

Ҳикоямиз қаҳрамони ҳам янгилик яратишга ўч, тиниб-тинчимас фермерлардан биридир.


Гулистон кишлок фуқаролар йиғинига қарашли Сарка маҳалласида жойлашган «Алишер-Файз-Муровват» фермер хўжалиги раҳбари Хуршид АХМЕДОВ билан дилдан суҳбатлашдик.

— Хўжалигимиз асосан мева-сабзавот ва галла етиштиришга мўлжалланган, — дейди Хуршид. — Бугун кишлок хўжалигида кечаётган иқтисодий ислохотлар ўз қадрини биладиган оддий деҳқонни ҳам, фермер хўжалиги раҳбарини ҳам чуқур ўйлаб иш қўришга ундамоқда. Шундай экан, ушбу соҳани чуқурроқ ўрган-сак, интилсак, даромадимиз ошади. Хонадонимиз тўқис, юзимиз ёруғ бўлаверади.

Мева-узунни кўпайтириш, халқимизга сифатли маҳсулот етказиб бериш Хуршиднинг эзгу нияти.

— Табиатта меҳр билан муносабатда бўлишни онам Тошоби

Ахмедовдан ўрганганман. Отам Алишер Ахмедов эса меҳнат қилиш сирларини ўргатганлар. 2006 йили 20 гектар ерга галла, сабзавот-мева етиштириш мақсадида уруғ қадаган эдик. Ушандан бери турли хил мева-сабзавот маҳсулотлари, галла етиштириб, юртдошларимиз дастурхонининг тўқис бўлишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаямиз. 2010 йили ҳар гектар галла майдонидан 61 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Қаторлатиб экилган ёш мевали кўчатларнинг бу йилги ҳосили ҳам ёмон эмас. Яхшигина даромадга эга бўлиш учун гектарлаб майдонда деҳқончилик қилиш



шарт эмас. Энг асосийси, ер билан тиллашиб, астойдил меҳнат қилишни билиш лозим. Бугун биз етиштираётган нознеъматларини нанкин юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар ҳам ўзгача иштиёқ билан макташади.

— Боғларни кўпайтирган, турли хил мевали кўчатлар экиб, мева-сабзавотни чиройли қадоқлаган ҳолда чет элга экспорт қилган

беринг-а:

— Фермер шунчаки боғбон, чорвадор, пахтакор, галлакоргина эмас, чинакам тадбиркор бўлмоғи керак. Бундан ташқари, меҳнатга муҳаббат, келажакка ишонч, ҳаётга иштиёқ бўлсагина иш унуми ошади, мақсадига ета олади. Тажрибали деҳқонлардан ўрганиш, билмаганини уялмасдан сўраш лозим. Маънавиятли бўлиш, дунёқарашни кенгайтириш учун тез-тез турли адабиётларни ўқиб туриш керак. Замонавий фермер доим изланиб, янгилик яратишга интилиб яшамоғи зарур.

Хуршид Ахмедов ўз вазифасига садоқатли, ота маслаҳатини жон деб тинглай оладиган, камтар йигит. Туман раҳбарлари унинг интилувчан, изланувчанлигига ишониб, 2009 йили кўшимча ер ажратди.

Халқимизда «Интиланганга толе ёр» деган аjoyиб мақол бор. Ўз касбини ардоқлаш эвазига эл дастурхонини тўқин қилишга муносиб ҳисса қўшаётган Х.Ахмедовга омад тилаб, у каби тадбиркорларнинг янада кўпайишини сўздикдилдан истаганимиз боис кўлимизга қалам тутдик.

Раъно ТОЖАЛИЕВА, журналист

«Буюқ Варлос»

масъулияти чеklangан жамияти

биноларни капитал ва жорий таъмирлаш ишларини сифатли бажаришга кафолат беради.

Тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мурожаат учун телефон: 101-80-59



ЭХТИРОМ

ЎЗЛИК

АДИБ МУКОФОТИ

1964

йилнинг кузи, икки томони улкан дарахлар билан қопланган озода кўчадан одимлаб бораётган. Шу атрофда япроқларни супуриб юрган аёлдан сўрадим:

— Ойбек домланинг уйлари қайси, биласизми?

— Хув ана, рўпарадаги дарвоза, — деди аёл самимий ва кўшиб кўйди: — У кишининг уйлари ким билмайди, дейсиз...

Аёл мен ўтиб кетганимдан кейин ҳам ўзича гапириб қолди: "Иш-қилиб, тани-жонлари соғ бўлсин..."

Дарҳақиқат, ўзим ҳам соғлиқлари дурустмикин, безовта қилиб кўймасмикинман, деган андишда келаётган эдим.

Чоғроқ ҳовли, оддийгина қурилган уйдан ўта камтарона ҳаёт нафаси барқ уриб турарди.

— Жуда кеч ётгандилар, тунги соат иккиларгача ишлаб ўтирган эдилар... — дейишди уйдагилар.

— Майли, уйготманг, мен бироздан сўнг келаман, — дедим кетишга чоғланиб.

Шу пайт тўрдаги хона эшиги очилиб, останада Ойбек домланинг ўзлари намоён бўлдилар.

— Келинг, келинг, менгами, қани марҳамат, — кабинет эшигини очиб ичкарига таклиф этдилар.

Аллақачон иш кабинетига кириб кетганларини уйдагилар пайқашмаган чоғи.

Иш столида тун бўйи қоғозга тушган араб алифбесидидаги ёзувлар. Адиб уларни тахлаб бир четта суриб кўйдилар-да "Қулгим сизда" дейётгандай менга қарадилар.

— Безовта қилганим учун узр, домла, университетнинг юбилеи

— Техникумда ўқирдим. Уни тугаллаб университетга кирдим. Ёшлик, ўқишга иштиёқ баланд, берилиб ўқирдим. Орзу қилган умидга етдик, дердик. Мен иқтисод фанлар факультетини танлагандим. Ўқиш билан бирга мактабларда дарс ҳам берардим. САГУни 1930 йили тугатдим. Университетда домлалар — профессор, доцентлар кучли эди, бироқ ўзбек ўқитувчилари энди-энди етишиб чиқаётган эди.

Ўқишни тугаллаганимдан кейин университетда иқтисод фанидан дарс бердим. Бора-бора ўзбек муаллимлари етишиб чиқа бошлади.


Университетда 1936 йилларгача дарс бердим.

Адибнинг айтмоқчи бўлган тилаги чехрасидан сезилиб турарди. Унинг гапларини ёзиб олган қоғозни узатиб дастхат ёзиб беришларини сўрадим.

"Менга билим берган бу билим ўчоғининг ўқитувчи ва студентларига катта муваффақиятлар тилайман. Ойбек".

Ташақкуримни айтиб, кўзгалмоқчи бўлгандим:

— Тўхтаг, ўтиринг, ўзингиз нималар ёзасиз? — дея сўраб қол-



Талант қанчалик катта, қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар нечук юзада бўлмайди, конга ўхшаш ернинг қаърида бўлади. Бу кон — талантни қазиб олиш учун, аввало, катта ақл, ундан кейин катта билим, матонат, куч-гайрат, буларнинг устига дард бўлиши керак.

Катта талант эгаси Ойбекда мана шу хислатларнинг ҳаммаси мавжуд. Ойбек мана шу хислатлари билан халқимизнинг маънавий хазинасига катта бойлик қўшди.

Абдулла ҚАҲҲОР

Ойбек гоёт бардошли, кунтли, заҳматкаш ижодкордир. Ойбекнинг серҳосил, ўткир ижодкорлигини бизнинг адабиёт тарихида кимга ўхшатиш мумкин?

Ойбекнинг ўзига, Ойбекка ўхшатиш мумкин.

Асарларини ўқиб улгурмайсан, янги бир асар билан «мана, мен» деб рўпаранда табассум қилиб туради.

Қандай яхши, яхши!

Ғафур ҒУЛОМ

Кейин бир нарсани хотирлагандай:

— Ҳикоя қани? — сўрадилар.

Олиб келган ҳикоямни аввал ҳаяжон билан, кейинчалик равон ўқиб бердим. Юрагимни ҳовучлаб "Нима дер эканлар?" деб кутардим. — Мавзу яхши танланган, ҳикоя бор, фақат сўзларни жуда кўп сарфлаб юборманг-да, сиқик бўлсин, қайтариқ кўп, одамни зериктириб қўяди, ҳикоянинг қиймати қолмайди.

Ўзим сезмаган камчиликларимни кўз ўнгимга аниқ-тиниқ келтириб қўйдилар. "Қайта ишлаб олиб келинг, ўзим фатво ёзиб бераман" дедилар.

Ҳикояни айтганларидай ишладим-у, уринтириб қўймаслик мақсадида қайта олиб боришга ботинолмадим. Лекин ўша "Гулсанам" деб номланган ҳикоям ҳозирги "Ўзбекистон овози" газетасида эълон қилиниб, нуфузли танловларнинг бирида ғолиб бўлдим. Ҳар доим бу ҳақида ўйлаганимда кўз олдимда Ойбек домланинг ўйчан қўзлари намоён бўлади. Бу мукофот менга эмас, улкан адибга тааллуқлидай ўзини қандайдир қардор, бурчли ҳис қиларман...

Фарида УСМОНОВА, журналист

гизни, олиб келинг, ўқиймиз. Хўпми, тортинмай олиб келинг, — дедилар.

Адибнинг адиби, устозларнинг устози, Ойбек домланинг хонадонидан узоқлашар эдим-у, гўё қанот ато этилгандек учиб борардим. Ҳа, бу дақиқалар бир умр хотирамда муҳрланиб қолган...

Орадан ҳафта ўтмай университетнинг юбилейига бағишланган саҳифа эълон қилинган "Тошкент ҳақиқати" газетасини (унда Ойбекнинг табриги ҳам чиққан эди) кўтариб яна ўша кўчадан борардим. Яна тун бўйи ишлаган эканлар. Шунга қарамай очик чехра билан қабул қилдилар. Газетани узатдим. Қараб чиқдилар. Ўзларига таниш профессорларнинг суратлари, мақолалар бор эди. Мамнулик билан узоқ тикилиб қолдилар.

Ойбек прозада шоиру, поэзияда прозаикдир. У энг майда икир-чирларни шеърда куйлай биладиган талантли шоирдир. У кишилар портрети, кўз ва қош ҳаракатларини жуда оник тасвирлаб беради. Шу билан бирга, унинг прозаси лирик поэзия даражасига кўтарилади. Ойбек кишининг қалбига кироллади, юракнинг нозик торларини чертиб ўтади.

Ҳамид ОЛИМЖОН

муносабати билан газетада мақола бермоқчи эдик, сиз бу даргоҳни тўнгиз фарзандларидан бири экансиз. Шу ҳақида икки оғизгина гапириб берсангиз. Унинг нуруйи чехрасида илиқ меҳра қиёс ифода пайдо бўлди. Ўйчан кўзларидан узоқни хотирлаётгани сезилиб турарди. Бироз жимликдан кейин оҳиста ҳикоя қила бошладилар:

Маънолар хазинасидан

ЁШЛАРГА ЎН БЕШ НАСИҲАТ

- Сента ҳаёт бахш этган ота-онанинг ва ҳар вақт сента ёрдам бериб, ҳаётининг қўриқловчи зотларини ҳурмат қил, уларнинг ёзат ва икромларини баҳо келтир.
- Ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ ва ёр-дўстларингга муҳаббат ва салоқат иши билан боғлан.
- Ватанинг чин, ҳақиқий фарзанди бўли, ватан ва халққа хизмат қил, манфаат етказ.
- Маъносиз йўллардан, шараф ва номусининг барбод қиладиган ишлардан йироқ бўл.
- Ёшлигининг, ҳиссиётинг, соф-поклигининг, сиҳатинг, номусинг, обрў ва эътиборининг қўриқ.
- Севишни бил, муҳаббат ва соғлом ақл ўзингга умр йўлдоши танлашда йўлбоши бўлсин.
- Уйланганин истар экансан, садоқатли, олижаноб, соғлом, умуман моддий ва маънавий жиҳатдан гўзал хислатларга эга бўлган қизни танла.
- Кучинг етган вақтда дарҳол уйлан, бир оила ташкил қил, ўзингга бир саодат ошненини ҳозирла. Бу ишнинг нисоний ва ижтимоий бир вазифа, ўхшаш бўлмаган саодат воситасидир.
- Оиланинг бутун моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъмин қилишга интиқ, гайрат қил.
- Жамоат эҳтиёжини ўтайдиган фарзандлар етиштир. Фарзандларингнинг фақат ўзинг учун эмас, ватанинг, халқнинг учун ва нисонийат учун тарбия қил.
- Ўғилларингнинг сабрли, матонатли, фазилатли ва ишжонатли қилиб етиштир. Қизларингнинг ҳам ўзингга умр йўлдоши этиб танлаб олган хотининг сингарини гўзал хислатли қилиб тарбияла.
- Оиланг ҳаётини гўзал суратла давом эттир. Оила дарагини сев, у кўзга ёқимли, қалбга завқ-шавқ бахш этишни учун кучингни сарф қил.
- Уйнинг эшиги самимий дўстларинг учун доим очик бўлсин.
- Лутфкор ва шафқатпарвар бўл. Бошларига мушкул иш тушган ва фалокатга эришганларга тасалли бер, мушкулликдан қутулишида уларга ёрдам қил.
- Бўш вақтларингдан бир қисминини олоб ва ахлоққа қарши бўлмаган ўйин-қўлчиларга сарф қил.

Байт:
Айда мустаҳкам ишнинг эй ўғил,
Ҳар нима ҳикмат эли дер, қил қабул.

ЭРДА ҲИММАТ БЎЛМАСА...

ёки қочоқ ота найранглари

Инсон ўзлигидан қоча оладими? Йўқ, албатта. Ўз зурриётларидан-чи? Аслида ўзи дунёга келтирган фарзандлари вояга етгунча улар тарбиясидан бўйин товлаш ҳам ўзлигига хиёнатнинг бир турига киради.

Жиззах вилояти Янгибод тумани Учтургон қишлоғида яшовчи Эрназаров Норбек Эрийгитович деган кимса ўз исми-жисми номувофик иш тутди. Ўзи севиб-севилиб қурган оиласи — бир ўғил, бир қизини ташлаб кетди. Болаларни моддий таъминлаш аёли Муқаддас Ашурбоева ва унинг қариндошлари зиммасида қолди. 2003 йил 20 январь куни Гулистон туманида раво суди қарорини билан қарор суди жавобгар Н.Эрназаровдан фарзандларининг моддий маънооти учун даъвогар М.Ашурбоеванинг фойдасига иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 3/1 қисми микдоринда алимент ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Аммо Норбек номуволик сабабларга кўра алимент пулларини тўлашдан бош тортди, турар манзилни тез-тез ўзгартира бошлаганидан кейин, унга нисбатан жиноят иши кўзга тушиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. 2003 йил 31 июнда жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар судининг ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан судланиб, оилак иш ҳақининг 10 фоизи давлат даромадига ушлиниб қолганини шарт билан Н.Эрназаровга 1 йиллик ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.



ўтган суднинг ҳал қилув қарори ва ижро варақаси йўқолди. Тўрт йил давомида Янгибод туман суд ижрочилари ҳузурига қатнай-вериб, Муқаддаснинг тоқати тоқ бўлди. У яхши инсонларнинг ёрдами билан 2009 йилда суднинг йўқотилган ижро варақасини қайта тиклашга эришди.

Ички ишлар ходимлари яна қочоқ отанинг изидан тушиб, унинг Янгиер шаҳридаги Бинокор маҳалласи, Механизатор кўчаси 72-уйда Зайнаб исмли аёл ва бир гўдаги билан яшаётганига гувоҳ бўлишди. Зай-

набинг шаҳар деҳқон бозорида нон сотиб рўзгор юртиши Норбекка қўл келарди.

Эрназаровга нисбатан яна жиноят иши кўзга тушиб, тергов бошланди, 2005 йилдан 2009 йилгача қочоқ ота зиммасидаги қаралар 4 миллион 969 минг 48 сўмга кўпайгани маълум бўлди. Рангги қув ўчган ота ўзини у ёқ-бу ёққа урди-да, ички ишлар ходимлари кўздан яна ғойиб бўлди. Аммо бу гал у узоққа боролмади. Шу йилнинг июн ойида Гулистон шаҳрида қўлга олинди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан айбланаётган Норбек Эрназаровнинг жиноят ишини кўриб чиққан Янгиер шаҳар судининг очик суд ҳайъати ундан юқорида қайд этилган пулни ундиришни мақсадга мувофик деб топди. Вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товланиши учун қонун доирасида уч ойлик қамоқ жазоси тайинланди.

Янгибод суд ижрочиларининг ўз ишларига совуққонлик билан қараганликлари туфайли тўрт йил мобайнида болаларни иқтисодий таъминлашда эзил-лишлар рўй берганига нима дейсиз? Уларнинг М.Ашурбоевага: «Юқори ташилотларга арз қилсангиз, боридан ҳам маҳрум бўлишингиз мумкин», — деган кутқуларини ушбу даргоҳ суд-ҳуқуқ тизими ходимларининг маънавийатидан дарак беради.

Ҳозир қочоқ ота қамоқ мурда-

тини ўтамоқда. Бу ҳам бир зумда ўтади-кетди. Аммо у бу қил-ғилликларини билан ўзи учун умидсиз келажак, оҳ-воҳлардан иборат нотавон кексалikka замин ҳозирлаётганини илғаб етмапти. Ҳаётининг аини кучга тўлган палласида ўз яқинларини қўлаб-қувватлаш ўрнига улардан қочиб, яшириниб, бошқалар ҳисобига яшаётган эркакнинг кейинги тақдирини қандай кечини ҳаммага аён. Ким билади, балки уч ойлик жазо унинг ақлини киритар, қандай кун кечираётганини аниглаб етар?...
Кези келганда айтиш лозимки, айрим билганда кучи бор йиғитларимиз бирор иш қилишга киришганларида, озгина тўсиқ ва қарама-қаршиликлардан дарҳол тушунликка тушадилар. Бошлаган ишларини тўхтатиб: «Бу шароитда иш қилиш қийин, ҳаммаёқ палон-пистон», — дея нолишга тушадилар. Агар эркакнинг қадами қатъий, ниёти холис бўлса, тиркичилиги ҳеч қачон ерда қолмайди, ўз яқинларини муҳтожликка сира маҳум этмайди.

Норбек Эрназаровнинг ана шундай йиғитлар сафига қайтишига ҳали ҳам фурсат бор. У истикомат қилаётган маҳалла-қўй, жамоатчилик мазкур муаммонинг тақоррланишига йўл қўймас, деган умиддамиз!


Маъруф БОБОЕВ,
Янгиер шаҳар
«Ҳақиқат мезони»
адвокатлик фирмаси
раҳбари

МУЯССАР РАЗЗОҚОВА:

ОПЕРА — ЖОН ФИДО САНЪАТ

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муяссар Раззоқованинг ҳар гал меҳру муҳаббат билан куйлаган кўшиқларини тинглаганимизда, ўлкамизнинг гўзал манзаралари, обод шаҳару қишлоқларимиз, бугунги фаровон ҳаётимиз кўз ўнгимизда гавдаланади. Айниқса, юртимизнинг энг улғу айёмлари — Мустақиллик, Наврўз байрамларида куйлаган кўшиқлари кўнгилларни яйратади.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасига борганимизда, сеvimли санъаткоримизни ижод жараёнида учратиби, қалбимиз тўлқинланди. Бу гал ҳам у «Лайли ва Мажнун» асаридаги Лайли ариясини янги услубда паст-баланд пардаларда шундай куйладики, кўшиқнинг ҳар бир банди дилларни хушнуд этади.



даргоҳда фаолият кўрсатаётган ижодкор сифатида театр ютуқлари, ўтмиши ва бугунги ҳақида гапириб берсангиз?

— Театримиз саҳна орқали инсонлар қалбига эзгулик, меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотиш йўлида дадил қадам ташлаётим. Бунга тақдирини саҳнага боғлаган улғу санъаткорларнинг шонли йўли кўрсатиб турибди. Бу ерда саҳналаштирилган «Сабъаи сайёр», «Зайнаб ва Омон», «Зулматдан зий», «Майсаранинг иши», «Севги шароби» ва бошқа кўпгина мусиқий асарлар ана шу йўлнинг кўзгусидир. Номлари қайд этилган ва этилмаган кўпгина опера ва балет асарларининг муваффақиятларида не-не устоз санъаткорларнинг хизматлари бор.

Бугунги кунда театримиз эришяётган ютуқлар замирида ҳам ҳар лаҳза ана шу санъаткорларнинг маънавий ёрдамиди ҳис этаман. Қорақалпоғистондаги Т.Шевченко номли мактабда ўқиб юрган кезларимда туманда ўтказилган «Мархабо, талантлар!» кўрик-танловида қатнашгандим. Ушунда танлов ҳайъати аъзолари ичида театрдан ташриф буюрган Саодат Қобулова ҳам бор эдилар. Ҳаваскорлар қаторида саҳнага чиқиб, кўшиқ куйлаётганимда Саодат опа ҳаяжонланиб, мени табриклади. Тадбир тугагач, атайин ёнига чақириб:

— Қизим, мактабни битиргач, албатта, санъат олийгоҳига ҳужжатларингизни топширинг. Имтиҳонларга ўзим тайёрлайман, — дедилар. — Бундай ноёб овоз қандай топилди. Истеъдодларни кўз қорачигимизда асрашимиз лозим, — дея ўқитувчиларимга тайинлади. Мактабни битиргач, устозимнинг тавсияси билан консерваториянинг «Вокал» факультетига ўқишга кирдим. Олийгоҳ тахлили опера қандай санъат эканини ўргатди. Айниқса, томошабинларни ҳайрат-ҳаяжонга солган Саодат Қобулова ижросидаги «Зайнаб ва Омон»да Хури, «Зулматдан зий»да Гулнор, «Майсаранинг иши»да Ойхон арияларини ижро этдим.

Дирижёр Мухтор Ашрафий айнан Саодат Қобулова овозига мослаб яратилган Алишер Навоийнинг «Баҳром ва Дилором» достонида Дилором операсини куйладим. Бу опера кейинчалик жаҳон саҳналарида ҳам чекиз олқишларга сабаб бўлди. Театрда иш бошлаган чоғларимда домлаларимиз берган сабоқлар беиз кетмади. Улар доимо классик ва замонавий операларга муножабат қилишни ўргатди. Ушбу театр мактаби бугун ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзбек мусиқий асарлари билан бойиб бормоқда. Театримизда операчи ва дирижёр талабига жавоб бера оладиган асарлар тақдим этилаётми.

— Ўзбекистон Бастакорлар ижодий уюшмаси қошида икки йилдан буён «Муяссар Раззоқова мактаби» фаолият кўрсатиб келмоқда. Самоар қандай бўлмоқда?

— Аввало, ҳар бир инсон, айниқса, биз санъаткорлар билимимизни бетиним ошириб боришимиз керак. Истеъдод ва илҳом — бу меҳнат дегани. Ҳақиқий санъат ўзининг бутунлай бағишлашини тақозо этади. Баъзан тадбирларда ёш санъаткорларнинг дастлабки чиқишларини кўриб юқори баҳолаймиз. Лекин вақт ўтиши билан ана шу талантнинг ё ўз устида ишлалмаслик ёки

шуҳратпарастлик сафдан чиқарилади. Хоҳ санъатда, хоҳ ҳунармандчиликда, қайси соҳада бўлишдан қатъи назар ёшларнинг истеъдодларини асраб-авайлаш, ҳаётда ўз йўлларини аниқ белгилаб олишларида ижодий мактабларнинг ўрни бекиёс деб ўйлайман. Қолаверса, азалдан устоз — шогирд анъаналари давом этиб келмоқда.

Ижодий тўғарагимизга санъат олийгоҳларида таҳсил олаётган ўшан ортиқ талабалар қатнашади. Асосан вокал овозлар билан ишлайман. Бунинг учун Бастакорлар уюшмаси томонидан етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Ижодий жараёнлардан оқилона фойдаланиб, ўз овозини топаётган Дилдора Мирсодиқова, Дилрабо Қурбонова, Антонина Иванова каби ёшлардан келажакда умидим катта.

— Пойтахтимизда юздан ортиқ опералари билан жаҳонга машҳур, кўплаб халқаро мукофотлар совриндори Маквала Касрашвили билан бўлиб ўтган концерт дастурингиз санъатсеварлар қалбига ўчмас из қолдирганди. Сир бўлмаса, айтинг-чи, қалбингизда яна қайси дунё тан олган санъаткорлар билан концерт ўтказиш ниятингиз бор?

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

— ... Ҳаяжонли лаҳзаларни эслатиб юбордингиз. Бир неча йил илгари Россиядан Ўзбекистонга бир гуруҳ театр ходимлари келишганди. Ушунда иштирокчилар ичида Маквала Касрашвили ҳам бор эди. Анжуман тугагач, саёҳат давомида Бухоро ва Хоразмдаги тарихий обидаларнинг нақадар бетакор ва бекиёс экани ҳақида тўлқинланиб сўзлаганди. 2005 йили эса Москвадаги «Халқаро мусиқа уйи»да дунёга машҳур операчиларнинг концерт дастури намойиш этилди. Зал томошабинга тўлиб кетди. Ушунда мен ўзбек операларини ижро этдим. Санъатсеварлар катта қизиқиш билан тинглашди. Шундан сўнг, 2005 йил Елина Оброзцова билан Москвада, 2007 йилда Маквала Касрашвили билан юртимизда яққол концертимиз бўлиб ўтди. Бу мусиқий кечамиз юқори даражада ўтганидан санъаткорнинг ўзи ҳам бениҳоя қувонганди.

Айни пайтда мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган катта концерт дастурига тайёргарлик кўраяман. Бу мусиқий кечага хорижий мамлакатлардан ҳам ҳамкасбларимни таклиф этмоқчиман. Ўзбек классик асарларидан «Лайли ва Мажнун» операсидан «Ушшоқ» ариясини, Сайфи Жалилнинг «Хуш келибсиз» каби кўшиқларини янги талқинда ижро этиш ниятим бор.

— Опера ниҳоятда мураккаб санъат. Лекин унинг жозибаси дилларни ўзига ром этади. Бунинг сир-синоати, гўзаллиги нимадир?

— Психологларнинг айтишларича, симфоник мусиқа эшитишга қалбдан тайёр инсонларнинг руҳи доим тетик бўларкан. Юрак, жигар фаолиятини яхшилашга ҳам фойдаси бор экан. Европа мамлакатларида опера илоҳий санъат ҳисобланади. Бунинг ҳис этиши учун томошабин руҳан тайёр бўлиши керак. Шунинг учун театрларимизда болалар операси кўпроқ намойиш этилса, унинг жозибаси, таъсирчанлиги янада ошган бўларди. Мен халқимизнинг опера санъатини маъно-манттига етиб тинглаши учун ўзбек мусиқий асарларига қайта-қайта муножабат этаяман. Қўлимдан келганча шу соҳанинг ривожланишига ҳисса қўшаёман.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман: гўзаллик одамлар билан ҳамisha бирга бўлиши лозим. Улар гўзаллик билан нафақат санъат музейлари, хибонлар, куй-кўшиқлар орқали, балки кундалик турмушда ҳам учрашишлари керак. Масалан, инсон гўзал гуллар ўстириши, гўзал кийиниши, гўзал хулқ-атворили бўлиши, гўзал куй-кўшиқлар тинглаши ва ҳоказо... Ушунда одамлар нафақат санъатнинг, балки ҳаётнинг, бир-бирларининг қадрига ҳам етишади.

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди

СПОРТ

ҲАМЮРТИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Япония пойтахти Токио шаҳрида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида XXVII жаҳон чемпионатида дунёнинг 111 мамлакатидан келган жами 848 нафар дзюдочи жаҳон чемпионати медаллари ва 2012 йили Лондонда (Буюк Британия) бўладиган ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун узаро куч синашмоқда.



Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтингда етакчилик қилаётган спортчимиз Ришод Собиров олтинчи килограмм вази тоифасида жаҳон чемпионати беллашувида болгариялик Янислав Герчев, Жанубий Корея вакили Жанг Жин Мин, яманлик Али Хусрав, жаҳон чемпионати совриндори италиялик Элио Верде ва россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга учратиби, финалга чиқди.

Хал қилувчи баҳсла ҳамюртимиз амалдаги жаҳон чемпионати Георгий Зантария (Украина)дан устун келиб, жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

ПОЛВОНЛАРИМИЗ КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Москва шаҳрида эркин, япон-рум ва хотин қизлар кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида эркин курашчиларимиз — Артур Таймазов ва Заурбек Сохиев кумуш медални қўлга киритдилар.

Чемпионатнинг энг қизғин беллашувлари оғир вазили полвонлар ўртасида бўлиб ўтди. Вазни 120 килограммгача бўлган эркин курашчилар мусобақасида юртимиз шарафини икки карра жаҳон чемпиони, Афина ва Пекин Олимпиядалари ғолиби Артур Таймазов ҳимоя қилди. Таҷрибали спортчимиз беллашувлар давомида озарбойжонлик Али Исаев, жаҳон чемпиони совриндорлари — украинлик Валдим Тасоев ҳамда прешиялик Иоаннис Арзуманидисни катта устунлик билан енгиб, финалга йўланма олди.

Хал қилувчи финал учрашувида Артур Таймазов икки карра жаҳон чемпиони Билот Маховга (Россия) кичик ҳисобда имкониятни бой берди ва кумуш медаль билан қийофланди.

Заурбек Сохиев мусобақалда мўғулистонлик Тугждорж Дорвачинг, кубалик Перес Салас, арманистонлик Валдим Ладиев ва украинлик Иброҳим Ашдатовни мағлубиятга учратди. З.Сохиев Болгария вакили Михаил Ганевга қарши ўтказилган финал учрашувида рақибига ютқазди жаҳон чемпионатининг кумуш медални билан қийофланди.

РАФАЭЛ НАДАЛ — ҒОЛИБ



Испаниялик ракетка устаси Рафаэл Надал теннис бўйича АКШ очиқ чемпионатининг (US Open) эркаклар ўртасидаги яққалик

бахсларида ғолибликни қўлга киритди. Турнирнинг финалида Рафаэл Надал сербиялик Новак Жокевичга қарши қорғат чикиб, 6:4, 5:7, 6:4, 6:2 ҳисобида зафар кучди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯСИДА

Мамлакатимизда ижод аҳлига, жумладан, ёш ижодкорларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик уларнинг фаоллигини янада оширмоқда. Бугун ёшлар ўзларининг ижодий изланишлари, билим ва салоҳиятини, аввало, Ватан равнақи, эл-юрт фаровонлигига сарфлаётгани юксак эҳтиромга лойиқ. Бу жиҳатлар тасвирий санъат соҳасида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан турли соҳа вакиллари қаторида тасвирий санъат йўналишида ҳам бир гуруҳ ёш мусавирлар давлат мукофотлари билан тақдирланди. Бунёдкор халқимизнинг орзу-умидлари билан ҳамқадам ижод қилаётган бу фусункор қалб эгаларининг миллий ва замонавий услубда яратяётган санъат асарлари, қўлга киритаётган янгидан-янги ютуқлари, унинг равнақи ва истиқболдан далолат беради.

— Мени Ватанимизнинг ажойиб табияти, тоғлари, зийл сувлари мудом ўзига тортади, — дедики биз билан суҳбатда



Фаррух Умаровнинг «Ковун сайли» асари


«Дўстлик» ордени совриндори, манзарачи рассом Азамат Отабоев. — «Чорвоқда куз» асаримда мовий осмон, сервикор тоғлар билан бирга у ерларнинг иккимини,



Ўқтамоб Саидовнинг «Оқтош тошлари» асари

тоғ кузининг ўзига хос мафтункорлигини тасвирлашга интиланман. Куз пайти тоғларда бирдан шивалаб ўтадиган ёмғирни кузатганимиз? Бирдан момақалдирак гумбурайди, бир зумда ҳаво тундлашиб, сўнг қуёш чарақлаб кетади. Ана шундай бетакор ҳолатларни тасвирлаш менга чекиз хузур бағишлайди.

РАНГТАСВИР



Дилором Мамедованинг «Бухоро» асари

Ижодий изланишларимда акс этган юртимизнинг тенгсиз гўзаллигидан бошқалар ҳам баҳраманд бўлса, дейман. Фикримча, инсон қанчалар кўп табиатдан баҳра олса, ошно бўлса, қалбига гўзал орзу-умидлар уйғонади. Чизаётган асарларимдаги гўзалликни дунёга тараннум қилолсам, максадиمنى эришган бўлардим.

— Мен сеvimли санъаткоримиз Абдуҳошим Исмоиловнинг ғижжак ва скрипкадаги мислсиз ижросини жуда мароқ билан тинглайман, — дейди график-рассом Мадина Орипова. — Унинг ижрочи-

лик маҳоратига бўлган ҳурматимни турли тасвирий усул ва компьютерда бажарилган ижодий ишларимда акс эттиришга жазм этдим. Мусиқачиларнинг либослари, дугор, ғижжак, уд, рубоб, тор, доира сингари қадимий мусиқа асбобларининг кўзга ташланувчи уйғунлиги, саф торган бугун бир ансамбль томошабинни бир зум ўзига мафтун этади. Туркум суратларимдан эса ҳар ким ўз дилига яқин товуш оҳанглариининг муфтункор ифориини ҳис этади.

Ҳа, ўз даври, замондошларининг қувончу ташвишларини мўйқалам орқали тасвирлаш мусаввир учун қанчалик бахт бўлса, ундан завқланиш томошабин учун ҳам улғу саодат ҳисобланади. Кўнгилга яқин санъат асарлари инсон ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлади. Санъатнинг ана шундай сурурини қалбимизга жо этаётганлар орасида халқаро танловлар совриндори, кулол Елена Комарова, Ўзбекистон Бадийи академиясининг кумуш медал соҳиби, рангтаасвирчи рассом Илҳомжон Отабоев, истеъдодли мўйқалам эгалари — Камолжон Бобоев, Эркин Бозоров, Мукаррам Ражабова, Файрат Ибрагимов, Фаррух Умаров сингари умидли ёшлар ҳам бор.

Дунёзода